



ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 24 (1245)

2019-yil 14-iyun, juma

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИШКЕК УЧРАШУВЛАРИ

Бишкек, 13 июнь. ЎЗА махсус мухбири
Зейдулла ЖОНИБЕКОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 13 июнь куни Бишкек шаҳрига келди.



«Манас» халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Қирғизистон Бош вазири Мухаммедали Абилгазиев кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Қирғизистон Президентини ШХТ-даги муваффақиятли раислиги билан табриклади.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро савдо ҳажми ортомоқда, иқтисодийнинг турли тармоқларида кооперация йўлга қўйилмоқда, маданий-гуманитар алмашув кенгаймоқда.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликка доир ва минтақавий аҳамиятта эга масалалар кўриб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан музокара ўтказди.

Давлатимиз раҳбари турли даражадаги икки томонлама мулоқотлар фаоллашгани, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва гуманитар алмашувлар кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Учрашувда Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига қўмаклашиш ва ушбу мамлакатни Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнига жалб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни рўйбга чиқаришнинг амалий масалалари кўриб чиқилди.

Ашраф Ғани Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатлари учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Розмари ДиКарло хоним билан ҳам учрашди.

Музокарада Ўзбекистон билан БМТ институтлари ўртасидаги Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишга қаратилган кўп қиррали шериклик истиқболлари кўриб чиқилди.

Марказий Осиёда хавфсизлик ва тараққиётни таъминлашнинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Орол фожиаси оқибатларини, жумладан, БМТнинг Орол бўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди доирасида бар-тараф этиш бўйича фаол саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Розмари ДиКарло самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

БМТнинг юқори мартабали вакили Яқин Шарқдаги қуроли можазолар худудидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қайтариш бўйича миссия муваффақиятли амалга оширилганини алоҳида қайд этди.

Учрашув якунида устувор лойиҳа ва дастурларни бир-галликда илгари суриш орқали ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги интилиш қатъий экани таъкидланди.

Шу куни Қирғизистон давлат филармониясида ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Бишкек саммити иштирокчилари учун концерт дастури намойиш қилинди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 14 июнь куни бўлиб ўтди.

ЎЗА

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент қўйи палатасининг мажлиси кун тартибига киритилган суд-ҳуқуқ, экология, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Лойиҳадан ҳаволаки нормалар олиб ташланди

буни партия депутатлари таклиф қилган эди

Дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилди. Мазкур қонун лойиҳаси фуқароларимиз, хусусан, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси билан юқоридаги кодексларнинг бир қатор моддалари

рига жавобгарликни кучайтириш масаласи киритилмоқда. Хусусан, била туриб, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш; аёлнинг ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш; вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш; бўш иш жойларини яшириш каби ҳолатларга йўл қўйгани учун

иш берувчининг жавобгарлиги оширилмоқда. Қайд этилганидек, ушбу лойиҳа ўзининг электорати ҳисобланган ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишни устувор вазифа сифатида белгилаган «Адолат» СДП ғояларига ҳамоханг эканлиги, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани боис иккинчи ўқишга тайёрлашда қонун лойиҳаси ҳаётий нормалар билан бойитилди. Хусусан, қонуннинг дастлаб-

ки лойиҳасида идоравий манфаатларни ифода этувчи нормалар фуқаролар манфаатини кўзлаб қайта кўриб чиқилди ва амалиёт билан уйғунлаштирилди. Шу билан бирга, меҳнат нормалари ва меҳнат шарт-шароитлари қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик ишлари тўлиғича судга ўтказилди ҳамда лойиҳада келтирилган бир қатор ҳаволаки нормалар чиқариб ташланди. Хусусан, ишга қабул қилишни расмийлаштириш тартибини, иш ўринларининг меҳ-

нат шароитлари бўйича аттестациясини ўтказишга доир қонун ҳужжатлари талабларини, ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар ва касб-салликларини ўрганиш ҳамда ҳисобга олиш талабларини бузганлик учун қўлланилаётган жазо-қоидаларга доир меъёрлар лойиҳадан чиқариб ташланди. Шунини айтиш жоизки, ҳаволаки нормаларни олиб ташлаш таклифи партияимиз фракцияси томонидан билдирилган эди.

2-БЕТ



МУҲАРРИР МИНБАРИ

Яқинда бир кўрсатувда қатнашдим. Коррупция ҳақида. Янаям аниқроғи, кўрсатув давлатимиз раҳбари томонидан шу йилнинг 27 майида имзоланган «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фар-

мон ижросига бағишланди. Кўрсатувда турли соҳа вакиллари иштирок этишди ва, табиийки, турфа фикрлар билдирилди. Айтиш керакки, Шавкат Мирзиёев Президент сифатида имзолаган илк ҳужжат «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республика-

си қонуни бўлган эди. Шундан сўнг ушбу қонуннинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги қарори билан «2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури» қабул қилинди.

3-БЕТ

ЛУҚМА

Ҳақ йўлида айтар сўзнинг қадри бўлсин

Журналистнинг сўзи ҳолис, адолатли, ёнганлари тахмин ва гумонлардан холи бўлгандагина ҳақ йўлида хизмат қилади. Бундай ҳолис сўз кишилик жамиятидаги жамики муносабатларда тиниқ кўзгү бўлиб, соғлом фикр ва қарашларни акс эттириб туради. Аксинча бўлганда-чи?..

Яқинда мамлакатимизда чоп этилаётган нуфузли матбуот нашрларидан бирида маҳаллий Кенгашдаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутати фаолиятига оид эътирознома тарзида мақола чоп этилгани журналист бурчи, масъулияти ҳақида яна бир бор фикр юритишга ундади. Мақола муаллифи Оқдарё туманидаги 28-«Пахтаобод» сайлов округидан халқ депутатлари туман Кенгашига депутат этиб сайланган Фароғат Шарипованинг фаолияти хусусида сўз юритар экан, унинг ўз сайловчиларидан узоқлашиб қолгани, сайловда овоз берганлар бугун депутатни танимасликлари, маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органидаги ишларидан хабардор эмасликларини баён этиши билан партиядошимиз фаолияти ҳақида хулоса чиқармоқчи бўлади.

3-БЕТ

БУГУНГИ СОНДА:

Тиббий жиҳозлар етишмаслиги жойларда хизмат сифатини пасайтирмоқда

4

Пирейвалийнинг мангулик сўз майдони

7

ТАШАББУС

«Бор меҳримиз сенга, болажон!»

хайрия акцияси давом этмоқда



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча худудларида ўтказиб келинаётган тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларни кўнгилли равишда қон топишига чақириш орқали бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳроқибат ғояларини тарғиб қилишга қаратилган аънанавий донорлик хайрия акцияси юртдошларимизда чуқур хайрихоҳлик уйғотмоқда. Буни мазкур акция иштирокчилари сони йилдан-йилга ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

3-БЕТ

Лойиҳадан ҳаволаки нормалар олиб ташланди бунинг партияде депутатлари таклиф қилган эди

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Шунингдек, йиғилишда "Жиноятчиликка қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш орқали ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида охиригича икки йил давомида жиноятчилик кескин камайишига эришилди. Хусусан, 2017 йилда жиноятчилик 16 фоизга, 2018 йилда эса 33,5 фоизга камайганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳада амалга оширилаётган ижобий ишларга қарамадан айбланувчининг, судланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниши мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни, шу жумладан, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалда таъминлашга салбий таъсир қилмоқда.

— Бугунги кунда оғир ва ўта оғир жиноят содир этиб, тергов ҳамда суддан яшириниши кидирувдаги шахслар салмоғи юқориликка эришмоқда, — деди фракция аъзоси Шўхрат Полвонов. — Натижада содир этилган жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ва жабрланувчиларга еткази



зилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кидирувдаги шахсларни қидириш учун катта куч ҳамда воситалар жалб этилаётгани амалдаги қонунларга зарур ўзгаришлар киритишни тақозо этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Адолат" СДП Сайловотдаги дастурида ҳам бу каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, жиноятчиликка қарши курашишнинг энг самарали механизми, бу жамиятда соғлом муҳитни ташкил этиш ва энг аввало, салбий иллатларнинг олдини олиш — долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Фракция йиғилишида депутатлар Ўзбекистон Республикасининг "Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни

лоийхасини ҳам муҳокама қилди.

— Қонун лойиҳасининг асосий вазифаси атом энергиясидан фойдаланишни таъминлаш тизимининг ҳуқуқий асосларини ташкил этишдан иборат, — деди фракция аъзоси Даврон Тангиров. — Шунингдек, амалдаги атом энергиясидан фойдаланиш ривожланиши муносабати билан ҳамда Ўзбекистон "Ишла-тиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақида"ги бирлашган конвенция (1997 йил) ва "Атом энергиясидан атом мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорликнинг асосий принциплари тўғрисида"ги битим (1992 йил) ҳамда соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатлар иш-тироқчиси ҳисобланишини таъминлаш мақсадида ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш зарурати ўзига келди.

Мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишдан сўнг депутатларнинг таклифлари асосида қайта кўриб чиқилганлиги, унда атом энергиясидан фойдаланиш таъминлаш тизимининг ҳуқуқий асосларини ташкил этишдан иборат, — деди фракция аъзоси Даврон Тангиров. — Шунингдек, амалдаги атом энергиясидан фойдаланиш ривожланиши муносабати билан ҳамда Ўзбекистон "Ишла-тиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақида"ги бирлашган конвенция (1997 йил) ва "Атом энергиясидан атом мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорликнинг асосий принциплари тўғрисида"ги битим (1992 йил) ҳамда соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатлар иш-тироқчиси ҳисобланишини таъминлаш мақсадида ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш зарурати ўзига келди.

энергетикасидан фойдаланиш соҳасида хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида нормалар билан такомиллаштирилганлиги ҳамда ядро ускуналари ва мосламаларни сертификациялаш жараёнлари белгиланганини депутатлар ижобий баҳолашди. Йиғилишда таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси "Адо-



БЕШ ТАШАББУС ИЖРОСИ

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни ҳаётга татбиқ этишга "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари ҳам ҳисса қўшишга интиломда.

Технологиялар тараққиёт учун юксак билим бўлиши зарур

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилоят кенгаши ва Гулистон давлат университети ҳамкорлигида "Учинчи ташаббус: аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш" мавзусида тадбир ўтказилди.

Партия фаоллари, депутатлар, ёш сафдошларимиз, университет ўқитувчи ва талабалари иштирок этган мазкур тадбирда ҳаётбахш бешта ташаббуснинг муҳим жиҳатлари ва аҳамияти ҳақида сўз борди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Салоҳиддин Элмуродов бугунги кунда ахборот технологияларининг ҳаётимизда тутган ўрни, уларга доир замонавий билим ҳамда кўникмаларни пухта эгаллаш, бу борада ёшларга яратилган шарт-шароитлар ҳусусида тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, ҳозирда бирор-бир соҳа тараққиётини, оддий турмуш тарзинингиз ҳам ахборот техно-

логияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борадаги билимларни ҳар бир касб эгаси ўрганиши ва қўлай олиши зарур. Айниқса, ахборот технологияларининг кундан-кунга янгиланиб бориш хусусияти билим ва кўникмаларни ҳам шунга мутаносиб равишда мустақамлаб боришни талаб этади. Шу билан бирга, интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ҳам муҳим вазифалардан саналади.

Тадбир давомида талабалар иштирокида мавзуга доир ўтказилган савол-жавоблар ёшларнинг билим-донлигини, улар замон билан ҳамнафас бўлиб, ахборот технологияларини кунт билан ўрганишга ҳаракат қилаётганини кўрсатди. Фаол иштирок этган талабалар партия вакиллари томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА,
Сирдарё вилоят кенгаши Матбуот қотиби

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш — ДАВР ТАЛАБИ

МУНОСАБАТ

Халқаро молия бозорларида беқарорлик ва жаҳон иқтисодиётида инқирозли ҳодисалар ҳамон давом этаётган бир пайтда юртимизда 2019 йил 1 чораги яқунлари бўйича иқтисодиётда инвестициялар ўзлаштириш ҳажмлари 1,3 бараварга ва тадбиркорлик субъектлари сони 2,3 бараварга ошиб, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланган. Айни пайтда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнес юритиш учун янада қўлай шароитлар яратилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 14 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳам бунинг ёрқин далили бўлди.

Ушбу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муносабатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилди.

Тан олиш лозим, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ ва фаол жалб этишга тўққинлик қилувчи айрим муаммолар пайдо бўлганди. Хусусан, муносабатлар билан ишлаш бўйича юртимизда тўпланган ижобий тажрибани давлат органларининг тадбиркорлар билан муносабатларига жорий қилиш, бир сўз билан айтганда, ишбилармонлиқни ривожлантириш муаммоларини ижроия ҳокимият билан тадбиркорлар ўртасида бево-сита мулоқот орқали аниқлаш ва бар-тараф этиш кечиктириб бўлмас вазифалардан бирига айланган эди.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда натижадорликка эришиш учун Фарб давлатларида турли компьютер дастурлари ва маълумотлар банкларидан унумли фойдаланилади. Уларда бизнес муҳитини тизимли таҳлил қилиш натижалари бўйича умумлашмалар, экспресс таҳлиллار, ижобий иш тажрибаси ва салбий амалиёт мисоллари тарқатилади.

Шу йилнинг 1 июнидан фаолият

кўрсата бошлаган қабулхоналар тадбиркорликни ривожлантиришга ва чет эл инвестицияларини жалб этишга тўққинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш орқали давлат органлари билан тадбиркорлар ўртасида амалий ва шаффоф мулоқот тизимини ташкил этади.

Биринчидан, бундай ёндашув ушбу муҳитда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда яхши натижа беради. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш эса соҳада параллел ишлаш, такрорланиш, мавжуд куч ва воситаларнинг беҳудага сарфланишини истисно қилади.

Тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида жорий этилаётган "business.gov.uz" ягона интерактив портали муайян ҳудуд ёки тизимда тадбиркорлик аҳолини баҳолаш, давлат дастурларининг бажарилиши устидан назорат қилиш, соҳавий ахборотни таҳлил қилиш ва ундан фойдаланишни яхшилайди. Тадбиркорлар мазкур портал орқали муносабатини кўриб чиқилишини ўзларининг шахсий кабинетига "онлайн" реал вақт режимида кузатиб боришлари мум-

кин бўлади. Бунда илгор технологик ёндашувлар воситасида давлат ва ҳўжалик органлари билан тадбиркорлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган "девор"лар олиб ташланиб, долзарб вазифалар вақтида белгиланади, муҳими, фаол ва мақсадли ҳамкорлик орқали ижобий натижалар қўлга киритилади.

Иккинчидан, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш юзасидан давлат ва ҳўжалик бошқарув органларининг ҳамкорлиги рағбатлантирилади. Бунда тизимли мониторинг қилиш ва ахборот алмашинувига хизмат қиладиган ҳамкорликдаги ишчи гуруҳлар ҳамда қўшма тадбирлар тузиш, албатта, яхши натижалар беради.

Учинчидан, тадбиркорликка кўмаклашишининг барқарор омилларидан яна бири жойларда қабулхоналар ишини ташкил этишга боғлиқ. Ишни ташкил этиш ягона мақсадлар, яхлит ва тизимли ёндашув асослари, тадбиркорликка доир вазият мониторинги, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш каби муҳим масалаларни қамраб олади.

Масалан, қисқа муддатга мўлжалланган мақсадлар ҳар доим ҳам кутилган иқтисодий ва ҳуқуқий самарани бермайди. Узоқ муддатли вазифалар, уларга эришишининг инновацион йўллари топиш, айниқса, умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар муштарақлигига эришиш, албатта, ҳаракатлантирувчи ва бирлаштирувчи замонавий кучга айланади.

Бу борада қўйилган вазифалар, ўз навбатида, йўналиш, ажратиладиган вақт, ижрочилар, сафарбар қилинадиган куч ва воситаларни самарали режалаштириш орқали бажарилади. Акс ҳолда, ўтказилган тадбирлар акцидентлар тус касб этиши, вазифаларга монанд бўлмаган чораларни амалга ошириш ва натижалари бўйича самарасиз қарорлар қабул

қилиш эҳтимоли ошади.

Тўртинчидан, ҳудудий қабулхоналар томонидан тизимли муаммоларни мониторинг қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш ташкилий-бошқарув таснифидаги муҳим шартлардан бири. Мавзуга оид ахборотларни тўплаш, сақлаш, ишловдан ўтказиш билан боғлиқ таҳлилий иш ҳамкорликдаги режаларни шакллантириш, ташкилий-бошқарув, ахборот ва услубий ҳужжатларни сифатли тайёрлаш тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш дастақлари самарадорлигини муттасил ошириб боради.

Ўзбекистонда интернет тизими ривожланиб бораётгани ва маъмурий амалиётлар янгиланаётгани ҳам ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини замонавий мазмунга, бизнес юритиш муҳитига ижобий таъсир кўрсатиш борасида эса салмоқли натижаларни ҳимоя қилиш, изчиллик ва бардавонлик тусига эга бўлишига ёрдам беради.

Бу талаблар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш занжирида бўлган барча давлат органларида хизмат ва ижро интизомининг мустақамланишига, ходимлар билим даражаси ва касб маҳоратининг муттасил ўсиб боришига, хизматда юқори кўрсаткичларга эришишга олиб келади.

Бешинчидан, хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш вазифалари тадбиркорлик муҳитида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни талаб қилади.

Бу борадаги иш, асосан, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга, эркин иқтисодий фаолият ва мақбул инвестиция иқлимини қарор топтиришга, бюрократик тартиб-таомиллар орқали бизнесга маъмурий босим ўтказилишининг олдини олишга йўналтирилади.

Олтинчидан, тадбиркорлар муносабатларини кўриб чиқиш қабулхоналари юқори натижа бериши, албатта, соҳага жалб этилган ходимларнинг касб маҳорати ва билим даражаси, келиб тушаётган ахборотларнинг тўлиқ ва сифатли бўлишига боғлиқ бўлади.

Тадбиркорлик муҳитини мониторинг қила олмаслик, ҳуқуқбузарликлар ҳақида зарур ахборотлар мавжуд эмаслиги, умумлашмаларни сифатсиз тузиш, ҳамкорликдаги ҳужжатларни кеч ва асослантирилмаган ҳолда тайёрлаш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари қабулларда бево-сита иштирок этмаслиги, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини бартараф этиш бўйича талабномалар бажарилиши устидан амалий назорат ўрнатмаслик, сайёр қабулларни оммавий ахборот воситаларида ёритмаслик каби ҳолатлар истисно этилиши зарур.

Еттинчидан, соҳавий фаолиятда илгор ҳорижий тажрибани (масалан, «sincere advise» — самимий маслаҳат бериш) инобатга олиш керак. Масалан, аксарият Европа мамлакатларида маъмурият томонидан циркуляр хатлар юбориш амалиёти кенг қўлланилади.

Саккизинчидан, ҳудудий қабулхоналар фаолиятининг очкиклиги самарадорликни оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фаолият очкиклиги қабуллар тўғрисида ахборотни эълон қилиш, расмий веб-сайтларга жойлаштириш, бу борадаги ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган жойларга жойлаштириш, қабулларда ахборотдан фойдаланувчилар ҳозир бўлиши учун шароит яратиш, сўров асосида озаки ва ёзма шаклда (шу жумладан, электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этиш воситасида таъминланади.

Бу борада оммавий ахборот воситаларига мавзуга оид хабарлар юборишни кўпайтириш, муаммоларни бартараф этиш ҳақида юборилган талабномалар бўйича ҳокимият органлари ва жамоатчиликни кенгроқ хабардор қилиш керак.

Айни пайтда, соҳавий фаолият ишбилармонларнинг ҳуқуқий хабардорлигини оширади, тадбиркорларга зарур ҳуқуқий билимлар беради ва

ҳуқуқбузар хулқи асосидаги боқимандлик тасаввурларни, ҳуқуқ ва одобга нисбатан салбий қарашларни йўққа чиқаради ҳамда фозил тадбиркорлик масъулиятини шакллантиради.

Тадбиркорлар билан қайта алоқаларнинг мавжудлиги ҳам қабулхоналар фаолиятининг муҳим кўрсаткичи бўлиб қолади.

Ҳар кимнинг ахборот излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилиниши, тадбиркорларнинг мансабдор шахслар хатти-ҳаракатларини кузатиш имкониятлари кенгайиб бораётгани негизда ҳозирда жамият ва давлатнинг ўзаро ахборот таъсирининг туси ўзгармоқда. Бу ўзгариш бево-сита ва қайта алоқаларни юқори даражада ташкил этишга имкон беради, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларини тадбиркорларга яқинлаштиради ҳамда ишбилармонлар билан ишлашни тубдан яхшилайди.

Ошкоралиқни кенгайтириш мазкур органлар обрўйини кучайтиради, бизнеснинг уларга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Эртасига ишонган тадбиркор эса бунёдкорлик йўлида бор имкониятларини сафарбар қилади.

Муҳими, қабулхоналар ходимлари ишни ташкил этиш ва самарадорлик масалаларининг долзарблиги тасодиф эмаслигига ишонч ҳосил қилишлари керак. Ахир мазкур жараён бугунги замон талаблари — кенг қамровли ислохотлар туфайли рўй бермоқда. Натижада тадбиркорлар босқичма-босқич юқори даражаларга — ҳам иқтисодиёт, ҳам маданият, ҳам техника, ҳам ўзини англашда юксак марраларга эришмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш кун тартибидан турган бир вақтда, мазкур фармоннинг амалиётга татбиқ этилиши тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга ижобий туртки бериб, ишбилармонларга ўз қонуний ҳуқуқларини англашга кўмаклашди, дунёдаги илгор давлатлар тажрибасини ўзлаштириш ва давлат ижроия тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Толибжон УМАРОВ,
юридик фанлари доктори

Давоми.
Бошланғич 1-бетда

Кўрсатувда тахминан шундай саволлар ўртага ташланди. Хўш, бир муаммо, яъни коррупцияга қарши курашиш бўйича нега ҳукумат даражасида кетма-кет қонун, қарор, давлат дастури ва фармон имзоланмоқда? Наҳотки коррупция аталмиш юҳо мамлакатимизда шунчалик чуқур илдири отиб кетган бўлса? Жаҳон айонида бу муаммага муносабат қандай? Умуман олганда, коррупцияни енгиб бўладими?..

Албатта, юқоридаги саволларга соҳа мутахассислари ўз нуқтаи назарларидан, касбларидан келиб чиқиб жавоб бериши мумкин. Кимдир коррупцияга қарши курашишда қонуний жазо чорасини яна ҳам кучайтиришни таклиф қилган бўлса, яна биров коррупция балосини фақат ва фақат юксак ҳуқуқий маданият билан мағлуб қилиш мумкинлигини таъкидлади.

Майли, тўғридир, нотўғридир ҳар бир фуқаронинг ўз фикри бўлгани яхши. Демократиянинг бош талаби ҳам шу. Зеро, фикрлар хилма-хиллигига сунанган жамият тараққиёт топади, юксалади. Қолаверса, айнан фикрлар хилма-хиллигига йўл очилган, фуқаролар ҳар бир масалада фаол жамиятда коррупциянинг туб илдирига болта уриш имконияти пайдо бўлади. Бошқача йўл танлаган жамият эса...

Келинг, мавзудан четлашмайлик.

Кўрсатувда тўғри таъкидланганидек, бир қарасанг, коррупция тўғрисида ёзилганда, ай-тилмаган гап қолмагандек кўринади. Лекин, тан олиш керакки, бу хусусдаги жамияти фойдали-фойдасиз, ўринли-ўринсиз гап-сўзлар унинг ўта хавфли иллат эканлигидан далолат беради. Аслида ҳам шундай: коррупция жамиятнинг маънавий илдириларини заифлаштиради, жамиятда ишончсизлик юзага келади. Ақли етган одамлар буни аллақачон, фақат ўзлари яшаётган маконда эмас, бошқа ҳудудларда ҳам шундайлигини тушуниб олишган. Ақли етмаганлар эса ҳамон "бизда коррупция йўқ"лигини исботлаш билан овора. Маълумки, бу иллат ҳудуд ёки мамлакат танламайди. У баерда бўлмасин гоҳ авжга чиқади, гоҳ пасаяди, аммо бутунлай йўқ бўлиб кетмайди. Боз устига шаклу шамойили, бўйибастини жуда-жуда тез ўзгартириб туради, буқаламундай товланади.

Нега шундай бўлади? Бу саволни ким ўртага ташласа, унга жавоб беришнинг аввал, савол берувчининг ўзига савол билан муносабат қилиш ўринлидир: коррупцияни ким яратади, у қандай вазиятда яралади, яралиш илдири қандай пайдо бўлади?

Тасаввур қилинг: кимдир бу саволни эшитиб, "Коррупцияни мен, сиз, биз — ҳаммамиз,

билган ва билмаган одамлар яратамиз" деса, нима деган бўлардингиз?

Жавоб беришга шошилманг. **Гапни ўзимиздан бошлайлик. Инсоннинг ички "мен"и ҳеч қачон йўқ бўлмайди дейдилар. Бунинг устига, ана шу "мен" жонивор гоҳ-гоҳ, масалан, ишларингиз фавқулодда юришиб кетганда, омад айвонингизга уй қуриб, "иссиқ ўлкаларга кетмасдан" шу**

са қўлимизга қарайдими? Қарайди! Шунда яна шовқин соламанг, "Нега бизда мактаб-гача таълим тизими коррупциялашиб кетган", деб.

Афсуски, бу гапимни ҳам инкор эта олмайсиз. Дейлик, бирор нарсага навбатда туриб қолсак, қинғир йўллар билан бўлса-да, олдинга ўтиш ҳаракатини қиламанг. Шундай ҳаракатларимиз таъсирида вояга етган, боғчада, мактабда, олий ўқув юртида ёлчителиб ўқимаган ўғил ёки қизимизни ишга жойлашда ҳам шу

шуғулланувчи одамлар "Ёғочнинг бўшини қурт ейди доим" деганларидек, бўш-баёв, ўзига ишончи кам, билими саёз, тажрибаси етарли бўлмаган одамларни нишонга олади. Бундай кишилар кимдир: "Битта жойга етти-саккиз киши номзод бўлиб турибди, ҳаракатингизни қилинг, эртага кеч бўлади" деса, шу қармоққа лаққа илинади. Аксинча, ўзига ишончи мустаҳкам, билими кучли одамлар бир ўринга бир неча ўн киши даъвогар бўлса ҳам, бундан чўчимайдилар. Шунингдек,

ришда намоён бўлмайди. Унинг юзи турфа, илдири биз ўйлагандан кўра анча чуқурроқ. Дейлик, кимдир киминдир таниш-билиш воситасида, илтимос билан ўқишга ёки ишга жойлаштиради. "Жойлашиш" жараёнда ҳеч қандай моддий бойлик роль ўйнамайди. Нима, шу билан коррупция йўқолди, деб ўйлашпсизми? Агар шундай ўйлаётган бўлсангиз хато қиласиз. Коррупция айнан ана шу таниш-билиш, илтимос, юқори-роқ мансабдаги одамга кўр-кўрона шахсий садоқат воситасида озикланади ва гуллаб-яшнайд.

Демак, барча мисоллардан кўриниб турибдики, биз тан олсак, олмасак, коррупция кўчадан кириб келмайди! Уни сиз, мен ва ният, биз дунёга келтирамиз, яратамиз ва "тарбиялаб" вояга етказамиз. Бу илм кишилари тили билан айтганда, аксиома, яъни илм талаб қилмас ҳақиқатдир! Шоир тоғиб айтганидай, бошингга не бало келса бировданмас, ўзингдан кўр...

Ана энди юқорида ўртага ташланган саволларнинг энг сўнгисига келсак.

Хўш, коррупцияни енгса бўладими?

Албатта, енгса бўлади! Кўрсатувда бу борада хориж тажрибаларини ўрганиш кераклиги таъкидланди. Бир қатор ривожланган мамлакатларнинг, хусусан, Сингапур тажрибаси бот-бот тилга олинди. Майли, маъқул, тажриба ўрганиш ҳам коррупциядан қутулишнинг бир йўлидир. Лекин бошқа бир таклиф ҳам борки, шуни чуқурроқ ўйлаб кўрсак, зарар қилмайди. Ахир устоз адбимиз айтиб кетганларидек, қачонгача "хўрозқанд хорижники", деса ётиб ялаймиз? Ўзимиз тажриба қилиб кўрсак-чи?! Ўзимиздан бошласак-чи?!

Айтмоқчи бўлганимиз, қани, шифокорнинг чўнтагига пул солмай кўрайлик-чи, у талаб қилармикан?! Қани, боғча опанинги оғзини "мойламай"лиқ-чи, фарзандимиз ёки набирамизга эътиборсиз бўлармикан?! Қани?..

Бу "қани-қани"ларни жуда узо-о-о-оқ давом эттиришимиз мумкин.

Гапни чўзмасдан, индаллосини айтиб қўя қолайлик. Коррупция балосидан қутулмоқчимизми, уни енгмоқчимизми, унга қарши курашни, энг аввало, ўзимиздан, оиламиздан, фарзандларимиздан бошлайлик. Уларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, керак жойда талаб қилишни, бурчларига эса оғишмай амал қилишни ўргатайлик, ўрганайлик.

Ана шундагина бу иллатнинг илдири қурийд.

Ана шундагина қай бир хорижий давлатнинг "тажриба"сини қидириб юрмаймиз.

Ё гапим нотўғрими, азиз га-зетхон?!

Келинг, фикрлашайлик, бах-лашайлик.

Ислом ҲАМРОЕВ

Бош прокуратура хабарлари

ҚАЛБАКИ ДОЛЛАР ЭВАЗИГА «IPHONE»

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ДХХ ходимлари билан ҳамкорликда, фуқаро А.Х.нинг аризасига асосан ўтказилган терговга қадар текширишда, чет эл фуқароси А.В. фуқаро А.Х.дан харид қилган 3 дон «Iphone Xs Max» русумли уяли алоқа телефон аппаратлари учун берган 3.025 АҚШ долларидан 3.000 АҚШ доллари қалбаки эканлиги аниқланган.



Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 176-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

«ТУЯ» ҚИЛИНГАН 160 МИЛЛИОН СЎМ ТЕШИБ ЧИҚАДИГАН БЎЛЛИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан ўтказилган терговга қадар текширувда, Қўшработ туман халқ таълими бўлими мансабдор шахслари ва бошқалар танлов комиссияси йиғилишини ўтказмасдан, тумандаги «Қ.Н.К» МЧЖнинг таклифи маъқулланганлиги ҳақида сохта маълумотлар тузиб ҳамда тумандаги 45, 56 ва 61-сонли мактабларда ҳақиқатда бажарилмаган таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар расмийлаштиришиб, 160 миллион сўм бюджет маблағларини талон-торож қилганлиги аниқланган.




Мазкур ҳолат юзасидан Қўшработ туман халқ таълими бўлими мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Бош прокуратура матбуот хизмати

Божхона бекати

Ҳийласи ўтмади


Сурхондарё вилояти божхона бошқармасининг "Айритом" чегара божхона постига қўшни мамлакатдан кириб келган фуқаро И.М.га тегишли қўл юклари "Граф" лақабли хизмат ити ёрдамида божхона назоратидан ўтказилди.



Натижада ушбу шахснинг қўл сумкаси ичидagi кийимлари орасига жойлаштирилган "гашил" тибхандлик воситаси борлиги аниқланди. Ушбу захри қотил махсус электрон тарозидан ўлчанганда унинг соф оғирлиги 1.45 граммни ташкил қилди.

«Яшил» йўлакдан «ҳаракат»ланган ТИЛЛА ВА КУМУШЛАР

Яқинда Бухоро вилояти божхона бошқармаси "Бухоро аэропорти" чегара божхона пости ходимлари томонидан хорижий рейс орқали ҳаракатланиш чоғида мамлакатимизга яширинча қимматбаҳо тақинчоқларни олиб киришга уринган шахс тўхтатиб қолинди.



Фуқаро Х.Қ. "яшил" йўлак орқали ҳаракатланиш чоғида божхона назоратидан ўтказилди. Натижада у ўзи билан умумий қиймати 8 167 800 сўмлик, жами 408,39 грамм заргарлик буюмларини божхона чегарасидан яширинча олиб ўтишга уринганлиги аён бўлди.

Ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари олиб борилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати



ерда қишлаётганида янада бўртиб кетади. Фақат мен эмас, бошқалар ҳам ишлаяпти, бошқаларда ҳам ҳою-ҳавас бор, камчилик, етишмовчилик бор, деган фикрдан узоқлашиб кетамиз.

"Нега энди менга эмас, нега мен биринчи эмасман", деган фикр вужудимизни қамраб олади. Мана шу нарса коррупциянинг илк меваларини яратади.

Қандай қилиб дейсизми? Хасталаниб, касалхонага тушсак, шифокорлар бошқалардан кўра менга яхшироқ қарашсин, дея ўз ихтиёримиз билан чўнтак қавлаймиз. Аввалига олмаганига қўймаймиз. Кейин ўша шўрлик шифокор "олиш"га ўрганиб қолади. У баерда бўлмасин гоҳ авжга чиқади, гоҳ пасаяди, аммо бутунлай йўқ бўлиб кетмайди. Боз устига шаклу шамойили, бўйибастини жуда-жуда тез ўзгартириб туради, буқаламундай товланади.

Нега шундай бўлади? Бу саволни ким ўртага ташласа, унга жавоб беришнинг аввал, савол берувчининг ўзига савол билан муносабат қилиш ўринлидир: коррупцияни ким яратади, у қандай вазиятда яралади, яралиш илдири қандай пайдо бўлади?

Тасаввур қилинг: кимдир бу саволни эшитиб, "Коррупцияни мен, сиз, биз — ҳаммамиз,

усулдан фойдаланамиз. Машина олишда, санаторияга йўланмани қўлга киритишда, ҳовли-жой учун ер берилмаётганида, амалдор бўлиб қолиш имконияти турилганда, қўйингчи, жуда кўп ҳолатларда ўзимиз коррупцияни бошлаб берамиз. Янада аниқроғи, узатишмасам, ишни битириб бермайдиган пулхўрларни ўзимиз тарбиялаймиз. Фақат шу билангина шуғулланмаймиз, бундай одамларни тўхтовсиз тарғибот қиламиз, "Бошингизни қотириб юрасизми, фалон жойда бир аяхон бор, муомаласини қилинг, бир зумда ишингиз битирилади", дейимиз. Ўзимизча бировга яхшилик қилаяпман деб ўйлаймиз-у, коррупцияга йўл очамиз.

Янада аниқроғи, узатишмасам, ишни битириб бермайдиган пулхўрларни ўзимиз тарбиялаймиз. Фақат шу билангина шуғулланмаймиз, бундай одамларни тўхтовсиз тарғибот қиламиз, "Бошингизни қотириб юрасизми, фалон жойда бир аяхон бор, муомаласини қилинг, бир зумда ишингиз битирилади", дейимиз. Ўзимизча бировга яхшилик қилаяпман деб ўйлаймиз-у, коррупцияга йўл очамиз.

Янада аниқроғи, узатишмасам, ишни битириб бермайдиган пулхўрларни ўзимиз тарбиялаймиз. Фақат шу билангина шуғулланмаймиз, бундай одамларни тўхтовсиз тарғибот қиламиз, "Бошингизни қотириб юрасизми, фалон жойда бир аяхон бор, муомаласини қилинг, бир зумда ишингиз битирилади", дейимиз. Ўзимизча бировга яхшилик қилаяпман деб ўйлаймиз-у, коррупцияга йўл очамиз.

Маълумки, коррупция билан

айрим идора-ташқилотларда иқтидорсиз, ўз ишнни эплай олмайдиган ходимлар ўз раҳбарларига лаганбардорлик қилиб, халқ тили билан айтганда, "пахта" қўйиб юрадилар ва ўз-ўзидан ана шу хатти-ҳаракатлари билан бир идорада

коррупция туп қўйиб, палак отишига хизмат қиладилар. Афсуски, баъзи имони суст раҳбар ва раҳбарчалар айнан ана шундай лаганбардорларни ўз қанотлари остига олишадики, энди ўша идора ёки ташқилотнинг "тараққиёти" ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Дарвоқе, ушбу муаммонинг яна бир нозик жиҳати борки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Баъзилар ўйлаётгандек коррупция иллати фақатгина олдиберди, яъни пора олиш ёки бе-

коррупция туп қўйиб, палак отишига хизмат қиладилар. Афсуски, баъзи имони суст раҳбар ва раҳбарчалар айнан ана шундай лаганбардорларни ўз қанотлари остига олишадики, энди ўша идора ёки ташқилотнинг "тараққиёти" ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ҳақ йўлида айтар сўзнинг қадри бўлсин

Давоми.
Бошланғич 1-бетда

Ҳамкасбимизнинг ёзиш услуби, мавзуга қай даражада чуқур ва холис ёндашганлиги ҳақида бахslashиб ўтирмайлик-да, депутат Ф.Шарипованинг фаолияти ва сайловчиларнинг унга бўлган муносабати хусусида мазкур сайлов округи ҳудудига ташрифимиз чоғида аниқлаган, кўрган ва гувоҳи бўлганларимиз борасида фикр билдирсак.

Депутат Фароғат Шарипова фаолияти ҳақида хулоса чиқаришда марказий нашр муҳбири "Пахтаобод" МФЙ раиси котиби Бахтиёр Раҳмонов берган маълумотни асос қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Тўғри, котиб маҳаллий Кенгаш депутатини танимас эмиш.

Биз билан юзма-юз сўхбат чоғида маҳалла фуқаролар йиғини раиси котиби муҳбирнинг бу хулосасини шовша-шошарлик билан айтилган, ҳеч қандай тасдиққа эга бўлмаган гап, деб таъкидлади. Унинг гу-

воҳлик беришича, чиндан ҳам уч кун муқаддам ишхонасига ўзини журнал-лист деб айтган, лекин кимлигини таништирмаган, қайси нашрда иш-лашини ҳам маълум қилмаган шахс кўнғироқ қилиб, дабдурустдан депутатингизни танийсизми, деб сўраган. Котиб қайси маҳаллий Кенгаш депутати ҳақида сўралаётганини аниқлай олмагач, "сиз сўрамоқчи бўлган депутатни танимайман", деб жавоб берган. Телефонда бўлиб ўтган гап шу!

"Адолат" СДПнинг Самарқанд вилоят кенгаши раҳбарияти ва газета муҳбири иштирокида бўлиб ўтган мулоқот чоғида МФЙ раиси котиби Б.Раҳмонов журналистнинг ўзини таништирмай, телефон орқали маълумот талаб қилиши, бировнинг номида хулоса бериши оддий фуқаро сифатида уни қанчалик ноқулай аҳволга солиб қўйганини кўчириб гапирди ва депутат Ф.Шарипованинг "Пахтаобод" МФЙ ҳудудидagi ижтимоий муаммолардан хабардорлигини, бу ерда унинг ташаббуси билан 150 ўринли

хусусий мактабгача таълим муассаси қурилаётганлигини баён қилди.

Марказий нашрда депутат Ф.Шарипова ҳақида чоп этилган мақолада "Мустақиллик" маҳалласида яшовчи фуқаро Ольга Сметанинанинг эътирозлари ҳам келтириб ўтилган. Биз вилоят партия кенгаши раиси М.Бобобекова ва "Пахтаобод" МФЙ раиси А.Юсупов билан биргаликда бу эътирозни ўрганиш мақсадида Ольга опанинг хонадонига ташриф буюрдик. Тўрт нафар фарзанди бор бу аёл чиндан ҳам маҳалладан тез-тез ёрдам олиб туришини айтди. Кўни-кўнчилик, маҳалладаги меҳр-оқибат туфайли турмуши изига тушиб қолганини баён қилди.

Ф.Шарипова ҳақида "мен бу кундан хулоса бериши оддий фуқаро сифатида уни қанчалик ноқулай аҳволга солиб қўйганини кўчириб гапирди ва депутат Ф.Шарипованинг "Пахтаобод" МФЙ ҳудудидagi ижтимоий муаммолардан хабардорлигини, бу ерда унинг ташаббуси билан 150 ўринли

сўраб-суриштирганини маълум қилди. У мақола чиққанидан сўнг "депутат"нинг аслида муҳбир эканини биллиб қолганини, журналист нега ўзини депутат деб таништирганини ханузгача фаҳмай олмаётганини айтди.

Мақола ёзадиган муҳбир "депутатман" деб ёлгон гапирини шартми? Муаммони журналист позициясидан туриб аниқлаш, ҳал этиш ёки жуда бўлмаса муносабат билдириш қийинмикан?

Шу ўринда партиядошимиз, депутат Фароғат Шарипованинг фаолияти ҳақида бироз тўхталиб ўтишни лозим топдик. Марказий нашр муҳбири сайловчилар танимайди, ўз ваколатини бажаришда сусткашликка йўл қўймоқда, деб ёзган депутат 2019 йилнинг 6 оyi давомидa турли бошқарув идораларига 17 та депутатлик сўрови киритилиб, уларнинг аксарияти ижобий ечим топган. Биринчи гуруҳ ногирони Хосият Олтибоева ва фуқаро Елена Пашнюкнинг ижтимоий муаммоси ҳал этилиб,

уларни ишга жойлаштириш ва газ таъминотини яхшилаш билан боғлиқ муаммоларни ижобий ечим топган. Шунингдек, 41-умумтаълим мактабининг "Фармонобод" қишлоғидagi филиалини янгитдан қуриш бўйича тегишли ташқилотларга депутатлик сўрови юборган ва ушбу филиал қурилиши 2020 йил давлат дастурига киритилган.

Албатта, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда депутат фаолияти камчиликлардан холи, деган фикрни уқтирмоқчи эмасмиз. Ваколат ҳам, маъсулият ҳам бениҳоя катта. Албатта, халқнинг турмушини янада фаровон қилиш, бошқарувда янгича демократик тартиб-таомилларни қадамма-қадам жорий қилиш, эл манфаатини, одамлар розилигини кўзлаб амалга оширилаётган салмоқли ислохотларнинг ихросини назорат қилиш депутатдан катта куч-ғайрат, ташаббускорликни талаб қиладди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари халқ вакили бўлишдек шараф-

ли номга муносиб иш тутишга ҳаракат қилишмоқда. Хато ва камчиликларни аниқлаб, ўз фаолиятлари учун жиддий хулосалар чиқармоқдалар. Шу боис улар фаолиятига энг тўғри бахони сайловчиларнинг ўзлари беришмоқда.

Лекин матбуотда депутат шахнига билдирилган ҳар қандай ноҳол гаплардан, саёз таҳлил ва хулосалардан кимга наф? Депутат ҳақида ёзмоқчимиз, келинг, унинг ўзи билан биргаликда сайловчилар ҳузурига боринг, муаммоларни эшитинг, таҳлил қилинг. Талаб этилган ваколат ўз ўрнида ишлатилаётгани ёки ишлатилмаётганидан хабардор бўлинг. Шундагина ҳақ сўзни айтиш осон кечади. Қолаверса, телефонда маълумот йиғиш билан бировга танбег бериш журналистнинг касб одобига қанчалик тўғри келиш-келмаслигини ўйлаб кўриш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Adolat" муҳбири

Тиббий жиҳозлар етишмаслиги

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, бу борада мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топиш Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг дастурий вазифалари сирасига киради. Халқ депутатлари Пайариқ тумани Кенгашининг “Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича” доимий комиссияси йиғилишида партия депутатлик гуруҳи ташаббуси билан мавзуга доир масала муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг апрель-май ойларида партия депутатлари ва фаолларидан иборат ишчи гуруҳи мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида туманда аҳолига бирламчи тиббий-санитария ҳамда тез тиббий ёрдам кўрсатиш, патронаж хизмати, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик поликлиникалари фаолияти билан боғлиқ масалаларни, бу борада ечимини кутаётган муаммоларни ўрганишди. Ушбу ўрганишлар тумандаги бир қатор тиббиёт муассасаларида фуқаролар соғлигини асраб-авайлаш, уларга маълум тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳали қилинадиган ишлар кўплигини кўрсатди.

Аниқланишича, уч минг нафарга яқин аҳоли соғлиги учун масъул бўлган “Болта” қишлоқ врачлик пункти биноси таъмир-талаб аҳволда. Шунингдек, тиббиёт масканда юмшоқ ва қаттиқ мебель жиҳозлари етарли эмас.

Капитал реконструкция қилинган 21-қишлоқ оилавий поликлиникаси ҳам юмшоқ ва қаттиқ мебель жиҳозлари билан таъминланмаган, УЗИ аппарати йўқ, патронаж сумкалар етишмайди. Ушбу масканда тор соҳа мутахассислари ва умумий амалиёт шифокори фойдаланадиган бир қатор тиббий жиҳозлар ҳам зарур эканлиги маълум бўлди.

Тоғли ҳудуддаги “Галлакор” МФИда жойлашган қишлоқ оилавий поликлиникаси ва унинг тез ёрдам шохобчаси биноси 1986 йилда қурилган бўлиб, айни пайтда жиддий таъмир-талаб ҳолатда эканлиги аён бўлди.



Тумандаги аксарият тиббиёт муассасаларида патронаж ҳамширалари сони кўплиги эътиборга молик. Аммо уларнинг ярми патронаж сумкаси билан таъминланмаган, бусиз ҳамширалар қандай қилиб ўз вазифасини удалашмоқда экан? Аҳолига қандай қилиб хизмат кўрсатишмоқда?

Жумладан, “Челак” кўп тармоқли поликлиникасида 51 нафар патронаж ҳамширасининг 40 нафаридан, Пайариқ кўп тармоқли марказий поликлиникасида 64 нафар патронаж ҳамширасининг 43 нафаридан патронаж сумкаси йўқ. “Пахтакор”, “Соҳибкор”, “Бошмоқ”, “Алаёрқудук”, “Ўртасайдов” ҚВПларида ҳам ушбу муаммо ўз ечимини кутмоқда. “Кумчук” қишлоқ врачлик пунк-

ЖОЙЛАРДА ХИЗМАТ СИФАТИНИ ПАСАЙТИРМОҚДА

лари, тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар етишмовчилиги кўзга ташланади. Баъзиларида ЭКГ ускунаси, тонометр, акушерлик жиҳозлари йўқ, ҳатто оддий пахта, тиббиёт спирти билан таъминланмаганлик ҳолатлари ҳам учрамоқда. Ахир шу оддий воситаларсиз беморга инъекция муолажаси (укол) қилиб бўладими?

189 нафар ходим ишлаётган Пайариқ кўп тармоқли марказий

лар яратилган. Лекин мазкур тиббиёт масканда ҳам аллерголог, гастроэнтеролог, онколог, эндоскопист ва болалар дерматологи каби мутахассис врачлар етишмайди.

“Вали” қишлоқ врачлик пунктини компьютер ва телефон аппарати билан таъминлаш зарур. “Кўпаки” ҚВПда иссиқ ва совуқ сув таъминоти йўлга қўйилмаганлиги боис бошқа жойдан сув ташиб келтиришга мажбур бўлишмоқда. Тиббиёт муассасасида юмшоқ ва қаттиқ мебель жиҳозлари етарли эмаслиги, айниқса, беморлар учун ноқулайлик туғдиради.

Шунингдек, “Пахтакор”, “Соҳибкор”, “Бошмоқ”, “Алаёрқудук”, “Ўртасайдов” ҚВПлари, 22-оилавий поликлиникада ҳам шундай камчиликлар учрайди.

“Кумчук” қишлоқ врачлик пунктида умумий амалиёт шифокори, патронаж ҳамширалар етишмайди, бир қатор тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар таъминотида камчиликлар мавжуд.

Афсуски, бу каби ҳолатлар қишлоқларимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифати пастирилиши кўрсатмоқда. Тиббиёт масканига келган беморларга лозим даражада тиббий ёрдам берилмаса, бу ҳол одамларнинг ҳафсаласини пир қилади. улар марказий шифохоналарга боришга мажбур бўлишади.

Партия фаоллари, депутатлар шу жиҳатга ҳам эътибор қаратишди. Муаммолар долзарблигини назарда тутиб, доимий комиссия йиғилишининг қарорига кўра мазкур масала маҳаллий Кенгаш сессиясига тақдим қилинадиган бўлди.

Азамат ТАВБОЕВ, халқ депутатлари Пайариқ тумани Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи раҳбари



тига берилган янги патронаж сумкаларида зарур асбоб-ускуналар йўқлиги эса яна ҳам ажабланарли.

Ишчи гуруҳи аъзолари “Навой”, “Томойрат”, “Дўстларобод”, “Кумчук” қишлоқ врачлик поликлиникалари фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар. Уларнинг ҳам аксариятида патронаж сумка-

поликлиникасида аллерголог, гастроэнтеролог, онколог, эндоскопист ва болалар дерматолог шифокорлар етишмаслиги бошқа бир саволни ҳам пайдо қилади. Яъни тиббиёт олий ўқув юртимизнинг ҳар йили қанча бакалавр ва магистр битирмоқда, ажабо, улар ўз туманига келиб ишлашни хоҳлашмайди? Балки бу ўрганилиши керак бўлган алоҳида мавзудир.

“Челак” кўп тармоқли поликлиникаси бугунги кунда тўлиқ таъмирдан чиқарилган бўлиб, бу масканда етарли шарт-шароит-

УЧРАШУВ

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги уларнинг ҳуқуқий билимларни лозим даражада билишлари билан узвий боғлиқ.

Қонунбузилишларга бефарқ бўлманг

Шу мақсадда Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг “Сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш — демократик жамият пойдевори” лойиҳаси доирасида жойларда бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонунбузилишларга қарши курашиш партия-дошларимиз фаолиятида муҳим ўрин эгалламоқда. Айни шу мақсадда қаратилган тадбирлар жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас.

Жалақудук туманидаги “Янгикеч” МФИда “Коррупция — тараққиёт кушандаси” мавзусида бўлиб ўтган тадбирда ҳам бу ўзифодасини топди. Мазкур МФИ ва “Ўроқчи” маҳалласида яшовчи фуқаролар иштирок этган ушбу тадбирда ҳуқуқшуносларнинг қонунчилигимиздаги ўзгаришлар, коррупция ҳолатларининг салбий оқибатлари, бу иллатнинг олдини олишда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг аҳамияти хусусидаги маърузалар йиғилганларда қизиқ уйғотди. Бефарқлик, коррупция ҳолатларига гувоҳ бўлиб қолганда “сен менга тегма, мен сенга тегмай” қабилида иш тутиш шу жойда бу иллат учришига яна бир имкон беради.

Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтаришди. Тадбир якунида “Менинг ҳуқуқим” мавзусида танлов ўтказилиб, энг фаол иштирокчиларга китоблар совға қилинди.

Санжарбек АЗИЗОВ, Ўзбекистон “Адолат” СДП Жалақудук тумани кенгаши раиси

ҚВП қайта тикланди, йўл азоби бартараф этилди

ДЕПУТАТ АРАЛАШГАЧ

Қорақўл туманидаги “Чандир” қишлоғи тумани марказидан 25 километр узоқликда жойлашган бўлиб, 2017 йилнинг апрель ойига қадар қишлоқ аҳолисига “Янги ҳаёт” ҚВП тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда эди.

Маҳаллий вакиллик органи сессиясининг 2017 йил 1 апрелдаги қарорига кўра туманда фаолият кўрсатаётган 33 та қишлоқ врачлик пунктлари мақбуллаштирилиб, уларнинг негизида 10 та қишлоқ оилавий поликлиникаси ҳамда 9 та қишлоқ врачлик пунктини ташкил этиш белгилаб қўйилди.

4 минг нафарга яқин фуқаролар истиқомат қилаётган “Чандир” қишлоғидаги “Янги ҳаёт” ҚВП фаолияти ҳам тугатилиб, шу ерлик аҳолига 12 километр узоқликдаги “Қувача” ҚОП шифокорлари тиббий хизмат кўрсатадиган бўлди. Очигини айтганда, бу ўзгариш чандирликлар учун кўплаб ноқулайликлари юзига келтирди. Айниқса, ушбу йўналишда йўловчи транспорт воситалари қатнови йўқлиги ҳамда йўлнинг аянчли аҳволда эканлиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Ҳудуддаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик



гуруҳи аъзоларининг қишлоқ аҳли билан ўтган йилги очик мулоқоти чоғида айни шу муаммо ўртага ташланган эди. 2018 йилнинг май ойида Қорақўл тумани тиббиёт бирлашмасига, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига ҳамда 2019 йил март ойида Соғлиқни сақлаш вазирлига чўл ҳудудидаги ушбу қишлоқда хонадонлар тарқоқ жойлашганлиги, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш мақсадида “Янги ҳаёт” ҚВПнинг фаолияти қайта тиклаш юзасидан депутатлик сўрови юборилди.

Депутатлик сўровида келтириб ўтилган муаммо вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва туман тиббиёт бирлашмаси мутахассислари ва депутатлар иштирокида жойида ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар таҳлил қилинган, пировардида “Чандир” қишлоғидаги собиқ “Янги ҳаёт” ҚВП биносида 57-сонли ҚОП филиали таш-

кил этилди. Ушбу филиалда рўйхатхона, доя ва унинг кўрувхонаси, эмлаш-муолажа хонаси, патронажлар, умумий амалиёт шифокори хоналари фаолияти тикланди ва ҳозирда янги муассаса ходимлари қишлоқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Йўл азоби ҳақида ҳикматли нақллар бежиз айтилмаган. Айниқса, кексалар ва болалар, бемор кишилар учун узоқ йўл азоби янада қийин кечади, — дейди афғон уруши қатнашчиси Нурғоди ота Жумаев. — Бунинг устига шу ораликда автобус қатнови бўлмаса. Муаммони тасаввур қилиш учун эса айнан чўлда яшаш шарт эмас, мутахассис сифатида жиддийроқ ўйлаб кўрилса қифоя. Хуллас, қишлоғимизда “Янги ҳаёт” ҚВП фаолияти тугатилган, биз ана шундай қийинчиликларга дуч келган эдик. “Қувача” ҚОПга 10-12 ки-

Маҳмуд РАҲМАТОВ, халқ депутатлари Қорақўл тумани Кенгаши депутати

Депутатлик фаолияти одамларга манфаат етказиш, уларнинг оғирини енгили қилиш имконини беради. Ҳар бир депутат шу масъулиятни чуқур англаган ҳолда иш олиб бориши лозим. Шу маънода халқ депутатлари Гулистон тумани Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи фаолиятига назар ташлаб, гарчи бир қатор мисоллар келтириш мумкин бўлса-да, муаммолар лозим даражада қамраб олинмаётгани кўзга ташланади.

Фаолликни ошириш зарур

Партия депутатлик гуруҳи аъзоси Муқаддас Худойкулова жорий йилда Гулистон тумани тиббиёт бирлашмасига фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан соғлиқларини тиклаб олишларида амалий ёрдам сўраб бир неча депутатлик сўровлари юборган. Масалан, Зуфар Тоғаев, Абдуғани Худойберов, 2-гуруҳ ногиронлари Самад Бекбўтаев, Абдумалик Раҳмонкулов, Нуриддин Абдуллаев каби фуқароларга даволашни учун ордер олишларида кўмаклашган. Депутатлик гуруҳи аъзоси Хосият Бегматова туман тиббиёт бирлашмасига Деҳқонobod шаҳарчасида яшовчи 2-гуруҳ ногиронлари Саломат Ҳалимова, Саида Усмонкулова, шунингдек, Анор Абдуразақова, Холиса Бўтабоева, Меҳринисо Худойкулова, Эркин Раҳмонов, 1999 йилда туғилган 2-гуруҳ ногирони Кўзигул Райимкулова ва шу каби алоҳида ёрдамга муҳтож кишиларга шифохонада даволашни учун ордер олишларида ёрдам сўраб жами 11 та депутатлик сўрови юборган. Депутат Убайдилла Абдуллаев ҳам худди шу йўналишда, яъни фуқароларнинг соғлиқларини тиклашлари учун ордер масаласида туман тиббиёт бирлашмасига 15 та депутатлик сўрови киритган.

Бошқа муаммолар бўйича ҳам масъул ташкилотларга депутатлик сўровлари киритиш орқали муайян натижаларга эришилган, дейиш мумкин. Жумладан, депутат Убайдилла Абдуллаев “Олтин водий” МФИда яшовчи фуқаро Камола Шайзоқовага ишга жойлаштиришга кўмаклашди. Депутат Хосият Бегматованинг Гулистон “Сув-оқова” давлат унитар корхонаси раҳбариятига Деҳқонobod шаҳарчаси “Аҳмад Яссавий” маҳалласидаги айрим хонадонларда ичимлик суви муаммо бўлаётгани ҳақида депутатлик сўрови ижобий натижа берди.

Эътиборга молик ишлардан бири депутатлик гуруҳи ташаббуси билан тумандаги умумтаълим мактабларида яситовонлик ва скolioз касалликлари билан боғлиқ ҳолатлар ўрганилиб, шу асосда маҳаллий Кенгаш сессиясига масала киритилганлиги бўлди. Бугунги кунда сессия қарори юзасидан маҳаллий Кенгашнинг “Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича” доимий комиссияси иш олиб бормоқда.

Албатта, жойларда ўз ечимини кутаётган муаммолар кўп ва уларнинг ечими турли соҳалар фаолияти билан боғлиқ. Партия депутатлари айнан шу жиҳатларга ҳам жиддий эътибор қаратиши зарур.

Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА, Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби

ЭЪТИБОР

Юртимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан бир қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Бундай рағбат, аввало, ёш истеъодларга кўмак бўлади, шу билан бирга, уларнинг ўзини ишончини ошириб, янада янги-янги ютуқларга ундайди.

Ёшлар рағбатлантирилмоқда



Хоразм вилоят партия ташкилоти ташаббуси билан ҳудудда жорий йилдан бошлаб бир марталик “Адолат стипендияси”нинг жорий этилиши ана шундай амалий ишларнинг ифодасидир.

Урганч давлат университетидида “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш устувор вазифа” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбир доирасида Урганч давлат университети “Табиий фанлар” факультети 2-босқич талабаси Азамат Мадримов ўз иқтидори, фанларни ўзлаштириши, намунали ҳулки билан тенгдошларига ибрат кўрсатаётгани учун “Адолат стипендияси” билан тақдирланди.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

«Бор меҳримиз сенга, болажон!» хайрия акцияси давом этмоқда

Давом.
Бошланғич 1-бетда

Хусусан, 2018 йилнинг 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куниди ҳамда 3-4 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан ташкил этилган «Бор меҳримиз сенга, болажон!» акциясида республикамиз бўйлаб 1500 га яқин хайрихоҳлар иштирок этди. Уларнинг беғараз донорлиги туфайли 398 000 грамм қон тўпланди ва ушбу қон юзлаб болажонлар дардига малҳам бўлди.

Жорий йилда Ўзбекистон «Адолат» СДП «Хар бир болага меҳр-мурувват!» ойлги доирасида беғараз донорлик акцияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Мазкур тадбирда турли касалликлар ёки бахтсиз ҳодиса туфайли қон алмаштиришга муҳтож бемор болаларга жон бағишлаш, уларнинг ҳаётга қайтишларига ёрдам бериш, оғир бемор болаларнинг умидвор кўнглиларига малҳам бўлиш, бу ёруғ дунё гўзалликларига интиқ кўзларига нур ато этиш ҳамда уларнинг соғайиб кетишларига ҳисса қўшишдек хайрли ишга бел боғлаган юзлаб юртдошларимиз ихтиёрли равишда қон топширдилар.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон «Адолат» СДП мамлакатимизда барча соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, турли факулдада вазиятларда аҳолига тезкор ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келимоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ходимлари, партия фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, «Аёллар қаноти» ва «Ёш адолатчилар» қаноти аъзолари, партия фаоллари, кўплаб софдошларимиз, хайрихоҳлар ҳамда бошқа кўнглили фуқаролар ана шундай эзгу мақсадда хайрия акциясида иштирок этишди. Улар қаторида Республика қон қуйиш марказига кўплаб таниқли шахслар ҳам ташриф буюргани қувонарли ҳолдир. Таниқли адиблар, санъаткорлар, журналистлар бемор болажонлар учун беғараз донорлик қилиш мақсадида ҳам бўлишди.

Дарҳақиқат, қон — бу ҳаёт, инсон тирикчилигининг асосидир. Унинг қиймати дунёда ҳеч бир нарса билан таққослаб бўлмайди. Тиббиётда турли хил касалликлар, шунингдек, фавқулдада жароҳат олган инсонлар, айниқса, болажонлар кўп қон йўқотиши натижасида уларнинг ҳаёти қил устида бўлиб қолади. Бундай беморларни малакали мутахассислар жаҳон андозаларига мос тажрибалар асосида даволаш баробарида донорларнинг беминнат ёрдамларига ҳам таянадилар.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан ўтказилган беғараз донорлик акциясида мингдан ортиқ кўнглили юртдошларимиз қон топшириб, халқимизга хос меҳр-мурувватли, саховатли бўлиш каби юксак фазилатларни намоен этишди. Натижада юзлаб бемор болажонлар саломатлиги учун зарур бўлган 360 297 грамм тириклик манбаи тўпланди.

Акция давомида беғараз қон топ-

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан ўтказилган беғараз донорлик акциясида мингдан ортиқ кўнглили юртдошларимиз қон топшириб, халқимизга хос меҳр-мурувватли, саховатли бўлиш каби юксак фазилатларни намоен этишди. Натижада юзлаб бемор болажонлар саломатлиги учун зарур бўлган 360 297 грамм тириклик манбаи тўпланди.



ширган донорларга партиянинг ташаккурномаси ва эсдалик совгалари топширилди.

Умид СУЛАЙМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг «Ёш адолатчилар» қаноти раиси:

— Мазкур акцияимизни қўллаб-қувватловчилар, иштирок этувчилар, қон топшириш истагини билдирган донорлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Партияимизнинг ушбу хайри ташаббуси фуқароларнинг донорликка муносабатини шакллантириш, қон топшириш орқали бошқаларга яхшилик қилиш, қийин ҳолатда ёрдам беришни хоҳловчи кўнглили хайрихоҳлар сони ортишига ижобий таъсир қилаётгани билан ҳам ҳаётлий аҳамиятга эга бўлмоқда. Партияимизнинг аҳоли саломатлигини таъминлаш вазифасидан келиб чиқиб ўтказилаётган акция болажонларни соғломлаштиришга қаратилган. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда ҳам ҳар бир бола яшаш ҳуқуқига эга эканлиги, болаларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари белгилаб қўйилган. Республикаимиз бўйлаб йилига икки марта бўлиб ўтаётган «Бор меҳримиз сенга, болажон!» акцияси бу ҳаётбахш тамойилларни амалга оширишда ўзига хос ўрин тутмоқда.

Зулфия ИСМОИЛОВА,
Республика қон қуйиш маркази сэйёр гуруҳи бўлим бошлиғи:

— «Қон топшириш жараёни қандай кечади?», «Бу соғлимиз ёмонлашишига олиб келади?» каби хато тасаввурлар туфайли баъзи юртдошларимиз қон топширишга бироз ҳадиксираб қарайди. Аслида барчаси жуда оддий ва тез, энг асосийси, хавфсиздир. Дастлаб, донор қон топшира оладими, гемоглобин миқдори етарлими каби масалаларга оидинлик киритиш мақсадида экспресс тиббий кўрикдан ўтказилади. Донор билан суҳбат жараёнида авваллари қандай касалликлар билан оғригани ҳақидаги ахборот олинди, қон топшириш қонун-қоидалари тушунтирилади. Бир марталик қон топширишда 350 миллилитрдан 450 миллилитргача бўлган миқдорда қон олинади. Организм топширилган қон ўрнини 36 соат ичида тўлиқ тиклаб олади. Бундан ташқари, донор 18 ёшдан ошган ҳамда вазни 55 кило-

дан юқори бўлиши керак. Заруратга қараб, донорлар қони лейкоз, анимия, гемофилия, қон ивиш системаси бузилиши, саратон касаллиги билан оғриган, автохалокатга учраган беморлар учун ишлатилади.

Фуадбек НИЁЗОВ,
акция иштирокчиси:

— «Адолат» партиясининг ушбу акциясида бемор болаларга оз бўлса-да, фойдам тегсин, деган ниятда қатнашдим. Очигини айтсам, қон топширишимдан сўнг вужудимда ва руҳиятимда энгиллик ҳис қилдим.



Кайсидир миқдордаги бу малҳам балки қай бемор учун ҳаёт-мамат масаласи бўлиши мумкин.

Наргиза УМАРОВА,
акция иштирокчиси:

— Ёшлар, болажонлар соғлигини асраб-авайлашга ҳисса қўиш мақсадида ҳаммасларим — Шарқшунослик академик лицейи ходимлари билан бирга хайри тадбирда иштирок этдик. Кимгадир малҳам бера олиш имконияти ўзимизда борлигини англашнинг ўзи бизни савоб ишга бошлади. Акция давом этар экан, барча-барча инсонлардан бемор кичкинтойларга ёрдам бериш учун қон топширишларини сўраб қолар эдик. Бу ҳар бир соғлом киши учун инсоний вазифа, деб ҳисоблай-миз.

Фахриддин САМАДОВ,
Ўзбекистон телеканали «Ассалом, Ўзбекистон» дастури муаллифи ва бошловчиси:

— Бу хайрли тадбирда касбидан, миллатидан қатъи назар, жуда кўплаб юртдошларимиз ўз ихтиёри билан келиб, қон топширишди. Одамлар топширган қони кимгадир жуда ҳам зарур малҳам бўлишини англаши керак. Келинг, бир ҳаётлий мисол келтирсам. Ахир биз ҳада этган бу малҳам кимларгадир қайта ҳаёт бағишлаши билан бирга оилалар қувончига сабаб бўлади. Ҳа, мамлакатимизнинг барча худуд-

ларида ушбу ташаббусга хайрихоҳлик билдирган саховатли инсонлар кўнглили тарзда қон қуйиш муассасаларига келишмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесидеги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгаши депутатлари, партия фаоллари ҳамда барча кўнглилилар қон топшириб, мурғак қалбларга илиқлик улашдилар.

— Бемор болаларнинг соғлигини тиклашга ҳисса қўшганидан барча хурсанд, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Нурлибай Каипбергенов. — Акция олдида шифокорлар билан биргаликда жойларда олиб борилган тарғибот ишлари ҳам ўз натижасини берди.

Андижон вилоятида ҳам партияимиз акциясини қўллаб-қувватлаган юртдошларимиз орасида ёшлар билан бирга меҳнат фахрийлари ҳам кўпчиликини ташкил этди.

Андижон давлат университетининг фахрий ўқитувчиси Алишер Холматов Андижон шаҳридаги қон қуйиш марказида шогирдлари билан бирга акцияда қатнашди. Устоз бундан буён беғараз донорлик орқали одамларга оғир дама кўмак беришни ният қилганини айтиб, яна бир бор ибрат кўрсатди.

Донорлар томонидан топширилган қон оғир бетоб бўлган беморларнинг тезда соғайиб, соғлом ҳаётга қайтишлари учун бебаҳо даво ҳисобланади.

Жизза вилоят қон қуйиш маркази



шифокорлари бу хайрли тадбир кўпчилика манзур иш бўлганини таъкидлашди.

— Очиги, ушбу акция ўзига хос тадбир бўлмоқда. Унга ўз хоҳишим билан мен ҳам ҳисса қўшдим, — дейди хусусий тадбиркор Ақром Қувватов. — Инсон саломатлиги учун савоб ишга бел боғлаш халқимизнинг қан-



чалик бағрикенг ва олижаноб экани яна бир бор намоен қилди.

Наманган вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида «Хар бир болага меҳр-мурувват!» ойлги доирасидаги беғараз донорлик акцияси уюшқоқлик билан ўтказилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят кенгаши фаоллари эса ойлги доирасида яна бир хайрли ишга қўл урдилар. Улар ушбу марказнинг қар-



диология, неврология ва гематология бўлимларида даволанаётган бемор болалар ҳолидан хабар олдилар. Беморларга ҳомиёлар ёрдамида тайёрланган совғалар топширилди.

Самарқанд вилоятидаги қон қуйиш марказида ҳам саховатли инсонлар бемор болалар дардига малҳам бўлиш учун ййилдилар.

— Ҳар қуни минглаб инсонлар донор қонига муҳтож бўлади. Афсуски, қонни сунъий тарзда ишлаб чиқишнинг имкони йўқ, — дейди вилоят қон қуйиш маркази бош шифокори Рофе Ҳақимов. — Унинг ягона манбаи беғараз донорлардир. Қалбида эзгулик яшайдиган инсон доимо яхшилик қилишга интилади. Айниқса, қилаётган хайрли амалимиз кимнингдир соғлигини сақлашга, умрини узайтиришга кўмак берса, нур устига аъло нур бўлади.

Сирдарё вилоят қон қуйиш станциясида ҳам ана шундай меҳр-мурувватли инсонлар иштирокида беғараз донорлик тадбири ташкил этилди.

— Анча йиллардан буён ушбу соҳада ишлаб келаман, — дейди мазкур муассасанинг донорлик бўлими мудири Дилора Караханова. — Шундай беморлар бўладими, улар учун қон сув ва ҳаводек зарур. Хайриятки, ҳаёт бахш этадиган бу неъматни савоб учун тўхфа этувчи инсонлар ҳам кўп. Ушбу акцияда ҳам ана шундай юртдошларимиз қатнашди.

Беғараз донорлик акцияси «Адолат» партиясининг нақадар халқчил, адолат тамойилларига амал қилишини ҳам кўрсатмоқда. Биз бу каби хайрли ишларни, албатта, қўллаб-қувватлай-миз.

Чирчиқ шаҳрида жойлашган **Тошкент вилояти** қон қуйиш станциясида беғараз донорлик хайрия акцияси юзлаб партия фаоллари, депутатлар ва кўнглилиларни бир мақсад йўлида бирлаштирди.

— Партия ташаббуси билан ўтказилаётган бундай хайрли тадбирнинг аънаваный тарзда давом этиши бизни беҳад қувонтиради, — дейди вилоят қон қуйиш станцияси шифокори Холита Фаниева. — Айниқса, беморга қон қуйиш ҳаёт-мамат масаласига ай-



ланган ҳолатларда бу бебаҳо малҳам шифохонада зарур миқдорда мавжуд бўлишининг аҳамиятини биз, шифокорлар чуқур ҳис этамиз. Чунки қон дорихоналардан сотиб олинмаган дори-дармонлар сирасига кирмайди. Бу — фақат савобталаб инсонларнинг ҳиммати, меҳр-шафқати туфайли амалга ошиши мумкин.

Донорлик жамиятимизнинг ҳар бир соғлом аъзоси учун масъулиятли ва инсоний бурч бўлиб қолиши учун уни

кенг тарғиб қилиш зарур. Тиббиёт ходимлари билан биргаликда аҳоли орасида тарғибот ишларини амалга оширишда барча жамоат, давлат ва нодавлат, хайрия ташкилотлари, турли фондлар иштирок этишлари керак. Кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши ва хайрия тадбирларида иштироки, уларнинг беғараз донорлиги инсонлар ҳаётини сақлаб қолишига хизмат қилади. Хавфсиз қон ва унинг маҳсулотларини таъминловчи қон хизмати эса соғлиқни сақлашнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Фаргона вилояти қон қуйиш марказида ҳам кўнглили донорлар тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болажонлар учун қон топширдилар.

Ушбу марказ бўлим мудири Оязимхон Аҳрамованинг таъкидлашича, қон топширишнинг ҳам фойдали жиҳатлари кўп. Масалан, донор тиббий текширувлардан ўтиш жараёнида ўз саломатлиги тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлади. Қававерса, қон топширигач, организмда ижобий ўзгаришлар кузатилади, инсон саломатлиги мустаҳкамланади. Энг муҳими, ҳар бир донор ўзидаги юксак инсоний фазилатларни, болажонлигини, кўмакка муҳтожларга кўмак беришга тайёрлигини намоен қилади.

Хоразм вилояти қон қуйиш марказида донорлик қилган юртдошларимиз қон топширилган тўғрисидаги маълумотларни кўп тармоқли вилоят болалар шифохонаси «Гематология» бўлимида даволанаётган бемор болаларнинг ота-оналарига самимий кўмак сифатида тақдим этишди.

— Партия ташаббуси билан қон қуйиш марказида беғараз донорлик акцияси ташкил этилганидан хабар топдим, — дейди янгиариқлик иштирокчилардан бири Художукор Отажонов. — Менинг беғараз ёрдамим жажжи болажонларнинг дардига шифо бўлишини жуда-жуда истайман. Бизни саховатпешаликка чорлаган ташкилотчиларга раҳмат.

— Кўп йилдан буён ўғлим Шохжаҳон қон касаллигидан азият чекади, — дейди унинг онаси Нафиса Машарипова. — Биласиз, дори-дармонларнинг нархи банд. Ўғлимга қон қуйиш учун мабғал топиш ўйлантираётган эди. «Адолат» СДП фаоллари томонидан «Гематология» бўлимида даволанаётган бемор болаларга беғараз қон топширилгани ҳақидаги маълумотдан хабар топиб жуда хурсанд бўлдик. Саховатпеша инсонлардан миннатдоримиз.

Таъкидлаш жоизки, акция давомида мутахассислар томонидан иштирокчи донорларга қон топшириш имкониятлари ҳамда хавфсизлиги, унинг бошқа инсонлар ҳаётига зарурлиги ҳамда саломатлик учун фойдали жиҳатлари ҳақида тушунчалар берилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу хайрия тадбири юртимизда саховатли инсонлар кўпчилигини намоен этиш билан бирга, одамларни бир-бирига меҳр-мурувватли бўлишга ундамоқда. Юртдошларимизга ана шунини маълум қиламизки, «Бор меҳримиз сенга, болажон!» беғараз донорлик акцияси жорий йилнинг 11 июлига қадар республикамиздаги олий таълим муассасалари ҳамда жамоат ташкилотларида давом этади.

Фаррух АБДУҲАМИДОВ,
журналист

ХАЛОСКОР СИНГИЛ

ёки акасига бир буйрагини ҳада этиб, уни ҳаётга қайтарган қиз ҳақида

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР

...Қудрат Тошкентдаги олий ўқув юртлиридан бирида ўқир, дарсдан бўш вақтларида шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган ошхонада ишларди. Айти пайтда спорт билан шуғулланишга ҳам вақт топарди. Хуллас, ғам-ташвиш нималигини билмайдиган соғлом, бақувват, шашти баланд йигит эди.



мол-мулкни сотса ҳам бунча пул тополмасди, ахир.

Беморнинг ота-онасига айнакча қийин бўлди. Мушфиқ, меҳрибон онанинг кўз ёшлари қуримасди. Ҳатто дийдаси қаттиқ отасининг ҳам йиғлаган кезлари бўлди...

Кейинчалик билишса, Тошкентдаги 1-Республика клиник шифохонасида ҳам худди шундай мураккаб жарроҳлик амалиёти амалга оширилган экан. Ана шу даргоҳда кўпбала инсонларни ўлим чагалидан асраб қолган тажрибали профессор ишлар экан. Аммо битта муаммо кўндалан турарди. Гап шундаки, бизнинг мамлакатимиз конунчилигига кўра фақат яқин қариндошларнинггина тана аъзоларини бир-бирига қўчириб ўтказилишига йўл қўйилади. Бундай жарроҳлик амалиётлари бегоналари донор сифатинда жалб этилиши эса тақиқланган...

Беморнинг отаси битта буйрагини бермоқчи эди. Аксига олиб тиббий текширишларда унинг бу аъзоси тўри келмаслиги аниқланди. Яқин оғайниларидан бири аввал ваъда қилди, кейинчалик фикридан қайтди. Қисқаси, барча сайъ-ҳаракатлар зое кетди.

Кўнгилхирликларнинг сира охири кўринмасди. Она шўрлик ўзини кўрага жой тополмасди. Гўё кенг олам унга тордек туюларди. Қайғуравериб, адои татом бўлди.

Қудратнинг синглиси Мавлуда меҳрибон ва кўнгилчан қиз бўлиб, бу ҳақда кўп ўйлар, акасига қаттиқ ачинарди. Онаси чекаётган ранжу аламларни кўриб, эзилиб кетарди. Акаси соғайиб кетиши ва хонадонларига яна қувонч ва хотиржамлик қайтишини ниҳоятда оруз қиларди.

— Эна, акамга мен буйрагини берман, — деди у бир кун. — Айтинг, текширтириб кўришин.

Онаси Мавлудага хайрон бўлиб қараб қолди. У қизининг феълени яхши билади. У ўта камгап ва жиддий қиз. Ҳар бир сўзини ўйлаб гапирарди.

— Ҳа меҳрибон қизим-а, қизимжон-а! Ўзинг нимжонгина бўлсанг...

Мавлуданинг фикри қатъий эканлиги сезилиб турарди.

— Узимнинг ботир қизим, меҳрибоним, — онаси Мавлудани бағрига босиб, юз-кўзларидан ўпди. — Аканга айтиб кўрай-чи, нима деркин? Она Тошкентга борганда ў-

лига синглисининг гапини айтди.

— Кўйсангиз-чи! — деди Қудрат тажонлиги тутиб. — Мавлуда ҳали ёш. Бунинг устига но-зиккина...

Қудратнинг гапида жон бор эди. Синглиси эндигина йигирма бир ёшга қадам қўйган, ўн гулдан бир гули очилмаган.

— Гапинг тўғри. Лекин сенга бошқа ким ҳам буйрак берарди. Қолаверса, бу унинг ўзидан чиққан фикр...

Мавлудани ҳар хил усқуналар ёрдамида чуқур тиббий кўрикдан ўтказишди. Қон олиниб, ҳар тарафлама таҳлил этиш учун Москвага жўнатилди. Ниҳоят "Ака-синглининг қон таркиби худди эгизакларникидек бир-бирига мос. Донорнинг буйраги бутунлай соғлом. Умумий аҳволи яхши. Буйрагини қўчириб ўтказиш мумкин", деган яқиний хулосага келинди. Шундан сўнг жарроҳлик амалиётига тайёрларик кўрила бошланди.

Операция хонасига олиб ўтишгаётганда Мавлуданинг чеҳрасидаги табассумни кўриб, барча хайратда қолди...

Кўли энгил жарроҳ профессор томонидан Мавлуданинг битта буйраги акасига қўчириб ўтказилди. Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтди.

— Мавлуданинг аҳволи қандай? — кўзини очиши билан сўради Қудрат.

— Худго шўр, яхши.

Мавлуданинг руҳи тетик эди. У икки кунда оёққа туриб кетди. Қудрат ҳам тобора ўзини яқшироқ ҳис қиларди.

Орадан кўп ўтмай ака-сингил ўйнаб-қулиб шифохонадан чиқиб кетишди. Қудрат оғир дардан қутулди, елкасида тоғ ағдарилгандай бўлди гўё.


Илоҳим, ака-сингилнинг умрини узоқ қилсин.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ

ИИБ хабарлари

ФИРИБГАРНИНГ КЕТМОНИ "УЧДИ"

2018 йил 23 сентябрь кuni Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида яшовчи 52 ёшли И.С. Юнусов тумани "Тикланиш" маҳалласида жойлашган 6 сотих ер майдонини 62 ёшли М.Ю.га 50 000 АҚШ долларига сотишни келишиб, келишилган пулдан 5 000 АҚШ доллари олган ва ер майдонини унинг номига ўтказиб бермасдан пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган. И.С. ушланган.



Ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...


Хоразм вилоятининг Урганч туманида 2019 йил 12 июнь кuni туман ИИБга тушган ҳужжатларга кўра, шу йил 30 май кuni "Мевазор" маҳалласида яшовчи 46 ёшли М.Қ. маст ҳолда "Аббос" хусусий дорихонаси олдида 57 ёшли М.А. исмли аёлга тегишли, эшиклари очик ҳолда қалити ўзида қолдирилган "Спарк" русумли автомобилни ҳайдаб қочиб, "Арболар" маҳалласида худудда А.Б. бошқарувидаги "Нексия" русумли автомобил билан тўқнашув содир этганлиги кўрсатилган. М.Қ. ушланган.



Ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ВАҚТИНЧА БОШҚАРУВЧИ "ҚОВУН ТУШИРДИ"

"2019 йил 6 февраль кuni Фарғона вилоятининг Ёзёвон тумани худудда жойлашган АТ "Халқ банки" Ёзёвон тумани филиали ходимлари томонидан банк газнасидида валюта сақлаш сейфида бўлган пуллар санокдан ўтказилганда, 100000 АҚШ доллари камлиги аниқланган.



Ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, олиб борилган суриштирув ишлари натижасида ушбу жиноятни Ёзёвон тумани "Гулистон" маҳалласида яшовчи, оқордаги банкнинг вақтинча бошқарувчиси 32 ёшли С.Т. ҳамда икки нафар банк ходими содир этилган аниқланиб, ушланган.

Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси

ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ

Фотима Собирова (мақоладаги барча исми-шарифлар ўзгартirilган) 27 ёшида Саид Тожиёва турмушга чиқади. Орадан вақт ўтиб, оилада ўғил туғилади. Бундай бахтга мушарраф бўлган ҳар қандай аёл бутун меҳрини оиласига бахш этиши керак эди. Афсуски, Фотима эрининг юрагига шубҳа уруғини сочиб қўйди. Саиднинг норасида Исмоилга қарашга юраги бетламас, ҳар кўзи тушганида шубҳа-гумон ич-эттини тирнарди. Афсуски, норасида бир ёшга тўлар-тўлмас касаллик боис дунёдан ўтади...



Шу баҳона Фотима оилавий ҳаётига яқун ясади. Онасининг уйига келиб яшай бошлагач, унинг таксичи таниши билан ишқий муносабатлари бошланади. Фотима танишининг ўзига уйланмоқчи эканлиги, 2 хонали уй кичиклик қилаётганлиги, уйни сотиб, ҳовли олиб, бирга яшамоқчи эканлигига онасини ишонтириб, уйни сотдиради. ...Уша кунёк уйнинг ярим пули ҳам, таксичи "қувёв" ҳам гоийб бўлади... Фирибгар дастидан уйсиз қолган она ва киз Зангиота туманининг Ўртаовул маҳалласида истиқомат қилувчи холаси Нигора Фаёзова-нинг хонадонида яшай бошлашади. Анчагина ҳаялчан, ғалати бўлиб қолган онасининг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари Фотиманинг гашига тегади. Бир кун дастурхон атрофида овқатланиб ўтиришганида қўлидаги қошиқни онасига отади. Онанинг қоши ёрилади... Беш ойлик меҳмондорчилик шу билан тугайди. Ўз онасига қўл кўтарган кизни холаси уйдан ҳайдаб чиқаради ва вақт ўтиб, онаси ва фот этганида, волидаи муҳтарамасини сўнгги йўлга қузатишга ҳам изн бермайди.

У холасининг маҳалладоши Маърифат опаникида яшай бошлайди. Ҳали холасиникида яшайган вақтида шу маҳаллада ўзи каби вақтинча ижарада яшайган Давлат исмли йигит билан танишиб, унга ихтиёрини топширган эди. Фотиманинг қорни

"ИНКУБАТОР" ОНА

дўппайга, йигит номаълум томонга "суриб қолади"... 2014 йилнинг 24 октябрь кuni Маърифат она уни Зангиота туман туғруқхонасига олиб бериб жойлаштиради. Бу гал у эгизак қизларнинг онаси бўлади. Қизалоқларни Маърифат опанинг "кафолат хати" билан туғруқхонадан олиб чиқиб, уникида бир ярим ой яшагач, бу ижара уйдан ҳам чиқиб кетади.

Ҳар бир аёл фарзандни дунёга келтириши мумкин, аммо унга меҳр беришга ҳамма ҳам қодир эмас. Бу ишни Фотима ҳам урдалай олмади. У маъсума қизалоқларидан бирини Зангиота туман туғруқхонаси эшиги тагига ташлаб кетади... Текширишлар натижасида чақалоқнинг онаси кимлиги аниқланиб, уни яна она деган номга муносиб бўлмаган, аммо дунёга келтирган аёлга қайтаришади.

Икки фарзандидан ҳам қутулган Фотима бу ижара уйдан ҳам келишмовчилик туфайли чиқиб кетиб, «Ўртаовул» МФИда жойлашган кафеда ишлаб юрар экан, Тошкент савдо марказида аравакаш бўлиб ишлайдиган, исмини ҳозир ўзи ҳам эслолмайдиган қашқадарёлик шахс билан танишиб, унинг ижара уйида 3-4 ой бирга яшайди. Ала-оқибат яна ҳомилдор бўлиб қолади. Бу орада эса у йигит ўз вилоятига кетади ва уйланаётганини, Фотимага ёрдам бера олмаслигини айтиди. Вужуддаги ҳомила эса кун сайин ҳаётга интилиб, дунёга келиш оналари яқинлашиб боради.

Фотима яна «мижоз» излай бошлайди. Кунларнинг бирида гўзаллик салонига кириб, мақсадга кўчади: ҳомилдорлигини, боласи туғилса уни божа олмаслигини, шунинг учун 1000 АҚШ долларига сотиш ниятида эканлигини айтиди. Буни эшитган Зилола

исмли аёл уни фарзанд олиш ниятида юрган қариндоши Зулфия билан таништириб қўяди. Зулфия оиласини сақлаб қолиш мақсадида бола асраб олиш ниятида экан. Зулфининг турмуш ўртоғи Отабек унинг яшаш шароити, болани беришдан мақсадини сўраб-суриштиради. Фотиманинг эри ташлаб кетганини, "ночор ва хокисор аёл"лигини ўзидан эшитиб, унга раҳми келади. Тирноққа зор эр-хотин унинг барча талабларини бажаришади. 2015 йилнинг 30 декабрь кuni Янгийўл туман туғруқхонасига олиб боришади ва шифокорларнинг сайъ-ҳаракати туфайли жарроҳлик йўли билан дунёга келган ўғилга Ёрқинбек

деб исм қўйишади. Фотима эса одатдагидай боласидан ўз ихтиёри билан воз кечганилиги баён қилинган тилхатни ёзиб бергач, яна эркин қушга айланади.

У Зангиота туманидаги «Бозор» МФИда яшай юрганида ижара уйи яқинида яшовчи Шохиста исмли аёлнинг таклифига кўра оиласи билан ажрашган Мақсад исмли кишига турмушга чиқиб, унинг хонадонида яшай бошлайди ва кўп ўтмай ҳомилдор бўлади. Уч нафар фарзандини иккиланмай сотган аёл, эридан пинҳона қорнидаги ҳомиласига "ота-она" излай бошлайди. Бу гал Фотиманинг қармоғига Зангиота зиёратгоҳи яқинида танишиб қолган Ҳаққул Ҳамидов қармоғига илгангани кейинроқ аён бўлади). У билан сўхбатлашиб, "боласи йўқ"лигини билиб, унга "раҳми келган" "инкубатор" она дарҳол телефон рақамини олади ва боласи туғилгач унга беришини айтиди.

2018 йилнинг 13 январь кuni Тошкент шаҳридаги 6-сон туғруқхонада қизи Сурайё дунёга келади. Бола "бизнес"и устасига айланган она бир

неча бор Ҳаққулга кўнгирак қилиб, 3000 АҚШ доллари эвазига чақалоқни олиб кетишини айтиди, харидор 1000 АҚШ долларидан бошқа беролмаслигини айтиб туриб олган, шу нархга қўнади. Аммо шундай кейин ҳам Ҳаққул болани олиб кетишни пайсалга солаверарди. Бу вақт ичида Сурайё уч ойлик бўлиб, ота-онасини ўзгалардан ажрата оладиган, ширин қизалоққа айланади. Ниҳоят онанинг қабих ниятидан қайтмаслигини аниқлаган Ҳаққул тегишли идораларга мурожаат қилади. 2018 йил 6 апрелида турмуш ўртоғи ва қайноқасининг Сурайёни сотишига йўл қўймаслигини яхши билган Фотима гўёки элтиш учун оилавий поликлиникага олиб бориш баҳонасида уйдан чиқади ва қизидан қутулиб, биратўла уйга ҳам қайтиб келмаслигини дилига туғади.

Соат 15.30ларда жувон «Бунёдкор» уйингоҳи яқинида мижози билан учрашади. Ҳаққул уни машинасида Тошкент марказий вокзали яқинидаги ошхонага олиб бориб, "турмуш ўртоғи" Барнони ҳам шу ерга олиб келади. Қизиги, Барно бошқа мижозлардан фарқли ўларок, уни мақсадидан қайтаришга уринади. Аммо у "қийналиб кетганини, яшаш шароити оғирлигини, боласини сотган пулига уй олиш зарур"лигини айтиб туриб олган, "олди-берди" жараёни бошланади. Фотима ўз роҳатини, фароғатини ўйлаб, "Фарзандим Сурайё Мамажоновани Ҳаққул Ҳамидовга ҳада сифатида бердим. Кейинчалик даъво ва жанжал қилмайман", деб тилхат ёзиб беради ва 1000 АҚШ долларини олиб, сумкасига солади... Шу пайт кутилмаганда ички ишлар ходимлари келиб қолади-ю...

Албатта, Фотима қилмишига яраша жазо олди. Лекин эрта бир кун у ўзи сотган жигарбандларининг кўзига қандай қарар экан?..

Шохаббос ТОШЕВ,
Тошкент шаҳри аэропортларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси тергов бўлими терговчиси, Саодат МАТЁҚУБ ҚИЗИ,
"Adolat" мухбири

Ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинг

Чилонзор тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан туман худудидида ёнғинлар келиб чиқишининг олдини олиш, бино ва иншоотларда зарур химоя чораларини кўриш, бу борада камчиликлар мавжуд бўлса, уларни бартараф қилиш, ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя этиш юзасидан профилактика ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Олиб борилаётган тарғибот ва тушунтириш ишларига қарамасдан, жорий йилнинг 5 ойи мобайнида Чилонзор тумани худудидида 42 та ёнғин содир бўлган ташвишланарли ҳолат ҳисобланади. Ушбу ёнғинлар таҳлил қилинганда, ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан олганда, очик майдонларда рўй бергани 5 та, болаларнинг олов билан ўйнаб, эҳтиётсизлик оқибатида келиб чиққан ёнғинлар сони 4 тага ошганини кузатиш мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, биринчи навбатда, ота-оналар кичик ёшли фарзандларини уйда қаровсиз қолдирилмаслиги, уларнинг ўзбошимчалик билан электр жиҳозлари, газ печкаларини ишлатишига йўл қўймаслиги лозим. Бундан ташқари, болаларнинг очик майдонда олов билан ўйнашига ҳам асло бепарво қараб бўлмайди. Қолаверса, катта ёшли кишилар ҳам очик майдонларда зарурат юзасидан бирон-бир ишни бажарётганда ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этишса, мақсадга мувофиқ бўлади.

А.ТАДЖИБАЕВ,
Чилонзор тумани ЁХБ инспектори, катта сержант

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

Милодий 1406 йилда Хиротда ўз даврининг етук алломаси Камоллиддин Хусайн Гузаргоҳийнинг "Мажолис ул-ушшоқ" ("Ошиқлар мажлиси") тазкираси қўлёзмага китобот шаклида тартиб берилди. Бу қўлёзмада XI-XIV-асрларда Шарқда яшаб ўтган 300 га яқин улуг инсонлар ҳаёти, фаолияти ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, китобга ўша даврда яратилган эллика яқин миниатюралар изоҳлари билан киритилади. Миниатюралардан бирида полвонларнинг курашдан кейинги ҳолати аксини топган. Унда бир неча кишининг тасвири намойиш бўлади. Шулардан иккитаси белигача яланғоч ҳолдаги полвонлар, бири йиқилган, иккинчиси қолиб тарзда тасвирланган. Бир томонда подшоҳ ўз хизматчилари билан, иккинчи томонда томошабинлар кўрсатилган. Унинг бир чеккасида икки қўлини қўққа кўтариб Яратгандан мадад сўраётган аёл кўриниши акс этган. Миниатюрага "Пахлавон Маҳмуднинг ҳинд полвони билан кураш тушуви" деган изоҳ ёзилган. Ана шу тариха улуг аждодимиз, буюк мутасаввуф шоир, кураги ерга тегмаган полвон — Пахлавон Маҳмуднинг қиёфаси ва сийратига хос белгилар номаълум мусаввир мўйқалами орқали бизнинг давримизгача етиб келган.

**Юз йил яшабон, бўлсада бошим осмон,
Ер менман... ер менман... ер менман...**
Маълумки, рубоий жанрининг юксак намуналари Шарқ адабиётида Умар Ҳайём ижодига кўзга ташланади. Шоир асарларида башариёт ва коинот, олам эврилишлари, дунё сир-синоатлари, ишқ изтироблари, ҳаёт шаробидан лаззатланиш, инсонга муҳаббат туйғуларини улуглайди. Шу тариха рубоийда "ҳайёмона", руҳ пайдо бўлган. Мана шу руҳни Шарқ адабиётида муваффақиятли давом эттирган Пахлавон Маҳмуд бўлди:
**Гуркираган олов — дилм йўлдоши,
Тўқин урган дарё — кўзларим ёши.
Кўзгагарлар ясаётган ҳар кўза,
Кўҳна дўстлар ҳоқи — қўли ё боши.**
Шоирнинг мана шундай гўзал, фалсафий асарлари барча даврларда ижодкорлар томонидан юксак баҳоланган. Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" асарида "Пахлавон Маҳмуд Хивадан, курашчиликда азим шухрат тутибдур. Шоирлик илми-

Эндиликда бу Полвон арна сифатида халқ орасида машҳур. Шоирнинг йўллар кўриб, боғлар барпо эттирганини муаррирлар эътироф этишган. Шунинг учун ҳам халқ уни авлиё даражасида эъзозлаб келган.
Пахлавон Маҳмуд ҳаёти, фаолияти, ижодига юксак инсонийлик, халқпарварлик, ҳақўйлик, бошқаларга мурувват кўрсатиш, мардлик каби қудратли руҳнинг сарчашмаси қаерда эди? Бу унинг эътиқоди ва бу эътиқод шаклланган тасаввуф таълимоти — футувват билан боғланган. Маълумки, Пахлавон Маҳмуд футувват аҳлидан бўлиб, унинг жавонмардлик тарикатиға мансуб эди. Бу тарикат аҳли фаолиятини халққа сидқидилдан хизмат қилишга, ҳаётини Ватанига фидо қилишга интилан ва буларни амалда ишбодлаган инсонлар эди. Жавонмардлар гуруҳи одамларга марҳамат, шафқат, мурувват, саховат, олижаноблик кўрсатган ва бу ишларини ҳеч қачон миннат қилмасдан амалга оширганлар. Шу сабабли Алишер Навоий бир асарида:
**Мурувват барча бермоқдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ,**
деб бу тарикат аҳлини улуглайди. Аллома Саид Нафисий "Тасаввуф сарчашмаси" асарида "Футувват — жавонмардлик гуруҳининг улуг пешволаридан бири машҳур шоир Пахлавон Маҳмуд Хоразмийдир", дея унга юксак баҳо беради. Маълумки, тасаввуф аҳли ҳаётда бирор хунар орқасида кун кўришни афзал деб билган, пахлавонлик Яратган томонидан халққа хизмат қилиш учун берилган қудрат, шоирлик маърифат йўлидаги буюк рағбат, деб эътироф этишган. Демак, Маҳмуд Пирёйвалийнинг бутун тақдири тасаввуф, футувват, жавонмардлик ғоялари билан мустаҳкам боғланганлигини ҳаёт йўли ҳам кўрсатади. Шоир рубоийларидан бирида кўнглидаги мақсадини тасаввуф ғоясига боғлаб шундай ёзади:
**Кўнглим оппоқ, на кек ва на кинам бор,
Душманам кўп ва лекин мен ҳаммага ёр.
Мевали дарахтман, ҳар бир ўткинчи —
Тош отиб ўтса ҳам менга бўлмас ор.**

Пирёйвалийнинг

Пахлавон Маҳмуд ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар тўла сақланиб қолмаган. Унинг ҳаёти билан боғлиқ баъзи воқеалар "Ҳазрат Пахлавон ҳикоятлари", "Маноқиб Пахлавон Маҳмуд" каби рисо-лаларда тилга олинади. Бу рисо-лаларда воқеалар ярим диний, ярим афсонавий тарзда келтирилгани сабабли аниқ далиллар, фактлар кам учрайди. Муаррирларнинг маълумотларига кўра, Пахлавон Маҳмуд ҳижрий 645, милодий 1247 йилда таваллуд топган. Унинг ота-онаси шу йили Хоразмнинг қадим пойтахти Гургандан Хивага кўчиб ўтади. Улар Хива шаҳрига яқинлашганларида йўлда, Қиёт қишлоғида фарзанд дунёга келади. Унга Маҳмуд дея исми қўйишади. Шунинг учун тазкираларда унинг туғилган жойи сифатида Хива шаҳри эътироф этилади. Маҳмуднинг аждодлари хунарманд бўлишган. Отаси пўстин-дўзлик ва телпақ тикиш билан шуғулланган. Маҳмуд ҳам ота касбини давом қилдиради. Хивада етук уста сифатида эъзозланади. У аввал оила даврасида, кейин шаҳардаги етук уламолар ҳузурига илму адабни ўрганади. Мантик, фалсафа, риёзӣтдан сабоқ олади. Кўнглида шеврийта ҳавас уйғонади. Кейинчалик рубоийлари-дан бирида бу хусусда шундай ёзади:



**Маърифатнинг тили — чоғу нойимдир,
Ақлим — қалич, сўзим ўқу ёйимдир.
Илтиҳозлар муқим шоҳи билурким,
Сўз майдони — ишғол қилган жойимдир.**

манзулик сўз майдони

нида туриб жанг қилади. Қахрамонликлар кўрсатади. Ҳинд подшоҳи Рай Ропой Чўнани муқаррар ўлимдан қутқариб қолади. Пахлавонлар ўртасидаги муносабатдан хабар топган Чўна уларни қайтадан кураш майдонига чорлайди. Пахлавон Маҳмуд ҳақиқий курашда уни йиқитади. Подшо Пахлавон Маҳмуднинг мардлигига тан бериб "тила тилагингни" дейди. Ҳазрати Пахлавон подшодан бойлик эмас, бир пайтлари Ҳиндистонга банди тарзида олиб келинган юртдошларини озод этишни илтимос қилади. Подшо уни синаш мақсадида бир мол териси доирасига сиққудек одамни озод қилишга ҳақ беради. Шунда Маҳмуд Пирёйвалий хунармандлик санъатини ишга солиб, мол терисидан катта доира ҳосил қилади ва бу доирага ҳамма юртдошларини сиғдиради. Ҳинд подшоши Пахлавон Маҳмуднинг мардлигига, юртига, халқига муҳаббатига, инсоний етуқлигига, олижаноблигига тан беради. Уни ватандошлари билан юртига жўнатади. Бу ривоятда Пахлавон Маҳмудга ҳоқ барча хислатлар — полвонларга ҳоқ олижаноблик, бошқа халқларга нисбатан хурмат-эҳтиром, адолат тантанаси учун кураш, ўз юртига, халқига садоқат, хунармандчилик ҳоқасидаги етуқлик, инсонийлик фазилатлари тўла намойиш бўлган. Шунинг учун ҳам ўшбу воқеалар асосида номаълум мусаввирнинг юқоридаги каби ғаройиб миниатюраси яратилган бўлса, ажаб эмас.

дан ҳўб эрмиш, назм битар эрмиш" деса, Лутф Алибек Озар "Оташқадаи Озарий" тазкирасида "Исми Пахлавон Маҳмуд, Пирёйвалий лақаби билан шухрат топган. Пахлавонликда ўз асрининг яғонаси бўлган. Шеврийта қудратли. "Канзул ҳақойиқ" номли маснавийси бор. Кейинги вақтларда тасаввуф мавзусида ёзган рубоийлари ниҳоятда яхши чиққан", деб ёзади. "Мажолис ул-ушшоқ" тазкирасида шоирнинг жанговор руҳдаги "Қитъоли" тахаллуси билан асарлар ёзгани эътироф этилади. Буларнинг бари шоирнинг адабиётимиз учун ўлмас маънавий мерос қолдирганини кўрсатади.
**Давронда кўп кўзни мен гирён кўрдим,
Неки бало йўла беомон кўрдим.
Нух минг йил яшади, кўрди бир тўфон,
Мен Нух бўлсам ҳам минг тўфон кўрдим.**
Шоир рубоийларидан бирида бундай деб ёзиши бежиз эмасди. У яшаган давр ниҳоятда оғир эди. Мўғулларнинг босқини натижасида юртга, халққа етказилган жараҳатлар ҳали битмаганди. Харабага айланган шаҳарлар, қишлоқлар, аёвсиз қиргин қилинган одамлар, Ватан бошига тушган даҳшатларни шоир ўз кўзи билан кўрди. Босқинчилик остида эзлаётган халқнинг ғамларига гувоҳ бўлди. Ана шундай шароитда у воқеаларнинг шунчаки кузатув-чиси бўлиб қолмади. Халқ бошига тушаётган қийинчиликларни бартараф этишга интилиди. Ҳиндистондан бир гуруҳ ватандошларини юртга олиб келиши ватанпарварликнинг юксак намунаси эди. Бундан ташқари, Хива шаҳри яқинида мўғул босқинчиларига қарши курашда шаҳид кетган хоразмликлар хотирасига бағишлаб ёдгорлик — улкан мақбара қурдиради. Бу ўша пайтда ҳукмдорлик тепасида турган мўғулларга қарши кураш, ўз даври учун мардлик, жасорат эди. Ушбу ёдгорлик қолдиқлари бугунги кунгача сақланиб келмоқда.

Пахлавон Маҳмуднинг юрт учун улуг хизматларидан яна бири — Хоразм заминини сув билан таъминлайдиган Хейконик ариғини катта қилиб қаздириб, каналга айлантириши, воҳанинг сув таъминотини яхшилаши бўлди. Буларнинг барини у ўз шахсий маблағи ҳисобига амалга оширган.




1 июндан Европа Иттифоқида электромобилларнинг ҳаракатланиши вақтида шовкин чиқаришга мажбурловчи қонун қучга киради. Бу чора велосипедчилар ва пиёдаларни ҳавфдан сақлашга қаратилган.
Ҳозирда электромобиллар 20 км/соат тезликда деярли шовкинсиз ҳаракатланади, чунки уларда ички ёнув двигатели йўқ.
Буюк Британиянинг кўзи ожизларга ёрдам кўрсатувчи уюшмаси маълумотларига кўра, автотролкатларда пиёдалар аънанавий автомобиллардан кўра 40 фоиз кўпроқ ҳолда электромобиллар гилдираклари остига тушмоқда.
Энди Европа Иттифоқида сотиладиган электромобилларга махсус оғохлантурувчи тизимлар ўрнатилди. Электромобиль чиқарадиган товуш эса тезликка боғлиқ ҳолда ўзгариши лозим: тезлик юқори бўлган сари товуш ҳам бандароқ чиқариши керак. Товушнинг баландлиги 56 децибелни ташкил этиши тахмин қилинмоқда.
Бунда товуш ички ёнув двигатели товушига ўхшаши шарт эмас. Баъзи ишлаб чиқарувчилар "самовий кема товушлари"га ўхшаш оғохлантурувчи сигналлардан фойдаланишни тақлиф қилишмоқда.

Хитой жанубида ёққан кучли ёмғир оқибатида 19 киши сув тошқини қурбони бўлди.
"Синьхуа" хабарида жала олти шаҳарда сув тошқинларини келтириб чиқаргани маълум қилинган. Гуанси-Чжуан автоном туманидаги олти шаҳарда сув тошқинлари туфайли 12 киши ҳалок бўлган, 1300 уй-жой вайрон бўлиб, 570 минг киши жабрланган. 33,5 гектар ердаги қишлоқ хўжалик экинлари зарар кўрган. Шундан провинциясида эса 7 киши ҳалок бўлган, бир киши бедарак йўқолган. 956 уй-жой вайрон бўлиб, 110 минг киши жабрланган.




ТАСС хабарига кўра, Буюк Британиянинг собиқ ташқи ишлар вазир Борис Жонсон мамлакат бош вазир ва Консервативлар партияси етакчиси лавозимларини эгаллаш учун ўз сайлов кампаниясига старт берди.
Ўз дастури доирасида 12 июнь кунин Лондонда нутқ сўзлаган сийсатчи мамлакат 31 октябрда Европа Иттифоқини тарк этишига ваъда берди. У Консервативлар партияси етакчиси лавозимига номзод сифатида кўрсатилганидан бери 12 июнда биринчи марта омма олдидан нутқ сўзлади.



Украина Президентини Владимир Зеленский собиқ Президент Олэй Порошенконинг Пётр судлов кенгашининг икки нафар аъзосини тайинлашга оид фармони билан беқор қилди.
Давлат раҳбарининг расмий сайтидаги маълумотга кўра, Зеленский мазкур тайинловлар танлов асосида бўлишига қарор қилган. Маълумот учун, Олэй судлов кенгаши 2016 йилда ташкил қилинган бўлиб, кенгашга судьяларни тайинлаш, вазифасидан озод қилиш ва бошқа ишга ўтказиш ваколати берилган.



Forum Daily хабар беришича, АҚШда асосан нонуштада танабул қилинадиган Cheerios ва Nature Valley каби қуруқ таомлар одам организмида саратон пайдо бўлиш эҳтимолини оширади.
Атроф-муҳитни ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ тест асосида таҳлил қилган 21 турдаги барча маҳсулотда глифосат даражаси балан д эканлиги аниқланди.
Ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, уларнинг маҳсулоти зарарсиз: ўтган йилнинг октябрь ойида ҳам ишчи гуруҳ нонушта учун тайёрланган қуруқ таомларни тест асосида ўрганиш пайтида уларнинг таркибиде асосан ёввойи ўтларни ўлдиривча фойдаланиладиган глифосат моддаси мавжудлиги аниқланган эди.
Янги ҳисоботда гербицид икки нафар даъвогарда саратон келтириб чиқаргани тўғрисидаги суд қарори ҳақида ҳам сўз боради.
Март ойида федерал ҳайъат бир овоздан қабул қилган қарорда Раундап калифорниялик эркак қишида саратон келтириб чиқарганини тасдиқланган. Утган ой эса Калифорния судьялар ҳайъати Monsanto ишлаб чиқарувчиларидан саратон аниқланган жуфтликка 2 миллиард доллардан ортироқ бадал пули тўлашни талаб қилган.
2018 йил февраль ойидаги таҳлил натижаларига кўра, глифосат саратон пайдо бўлиш эҳтимолини 41 фоизга оширади.



Камол МАТЕҚУБОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев 2017 йилда олий даражадаги мулоқотлар якуни бўйича 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилини ўтказишга келишиб олган эди.



ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ:

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

2018 йил Қозоғистонда ўтказилган Ўзбекистон йилида мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва туризм алоқаларини ривожлантириш бўйича қатор тадбирлар ташкиллаштирилди. Ўзбекистонда кенг нишонланаётган Қозоғистон йили доирасида ҳам мазкур йўналишларда янги йўналишлар амалга оширилмоқда.

Икки давлат раҳбарлари жорий йил апрель ойида Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг очилиши муносабати билан ташкил этилган маросимда иштирок этаркан, мазкур йирик ҳамкорликни мустаҳкамлаб, азалий дўстликни улуғлашдек муштарак мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутишини қайд этдилар.

Ушбу фикр ва дўстлик ришталари самараларига бўлган юксак ишонч Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида ҳам ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси билан Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси ўртасида 2018 йилда ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланганди.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида икки мамлакат олий вакиллик органлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро мулоқот ва учрашувлар, турли даражадаги ташрифларни фаоллаштириш кўзда тутилган.

— Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Нурлан Нигматулин бошчилигидаги делегация 5-7 июнь кунлари ташриф билан мамлакатимизда бўлди, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси аъзоси Қодир Жўраев**.

— Президент Шавкат Мирзиёев делегация аъзолари билан учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш бўйича қатор тақлифларни илгари сурди. Хусусан, қонун чиқарувчи органлар қўмиталари даражасида ҳам алоқаларни йўлга қўйиш, парламентларо дўстлик гуруҳлари имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлигини қайд этди. Ушбу тақлифлар Ўзбекистонда нишонланаётган Қозоғистон йили доирасида ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитишга қаратилгани билан ахамиятли.

Икки давлат ўртасида туризм алоқаларини ривожлантириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар натижасида Ўзбекистонга келган қозоғистонлик сайёҳлар сони 2018 йилда 2 миллиондан ортди. Бу

қўрсаткич ўтган йили мамлакатимизга келган жами туристларнинг салкам 30 фоизини ташкил этди.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қозоғистон Республикаси Туризм саноати қўмитаси ва "Kazakh Tourism" миллий компанияси билан фаол ҳамкорликни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Икки мамлакат туризм компанияларининг Ўзбекистон ва Қозоғистонда ўтказиладиган туристик ярмаркалар ва тадбирларда иштироки таъминланмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг февраль ойида Бухоро шаҳрида ўтган Зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форумда Қозоғистоннинг туризм соҳасида фаолият юритадиган қатор расмий ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Шу йил пойтахтимизда бўлиб ўтадиган Тошкент халқаро туристик кўргазмасида ҳам қозоғистонлик вакиллар иштироки кўтирилмоқда. Жорий йилнинг иккинчи ярмида эса Ўзбекистон — Қозоғистон туристик форумини ташкил этиш режалаштирилган — барча саёй-ҳаракатлар халқлар ўртасидаги маданий алмашувни мустаҳкамлаш ва икки мамлакат туризм

салоҳиятини биргаликда илгари суришга қаратилган.

Яқин истиқболда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги «Миллий PR-маркази» билан «Kazakh Tourism» миллий компанияси ўртасида имзоланадиган ҳамкорликка доир ҳужжат бу борадаги мақсадлар сари яна бир қадам бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида машинасозлик, электротехника, озик-овқат, туризм, транспорт ва логистика соҳаларида кооперация дастурлари ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қисқа вақтда ўзаро савдо ҳажми юқори суръатларда ўсиб, 2017 йилда 2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич қарийб 50 фоизга ўсди. 2019 йилда икки мамлакат савдо-иқтисодий алоқаларини янада кенгайтириш ва ўзаро товар айрибошлаш ҳажмини 5 миллиард АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Бунда Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида ташкил этилаётган кўшма бизнес-форумлар, В2В шаклидаги музокаралар, янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш алоҳида ўрин тутди.

Ўтган йили Чимкентда ўтказилган Ўзбекистон — Қозоғистон биринчи ҳудудларо форумида қиймати 320 миллион

АҚШ долларидан зиёд шартномалар имзоланган, ҳудудлар ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича 15 та келишувга эришилган эди.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида шу йил тўртинчи чорагида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон — Қозоғистон иккинчи ҳудудларо форуми мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида иқтисодий шерикликни ривожлантириш каби манфаатли келишувларга бой бўлиши шубҳасиз.

Тошкент, Самарқанд, Қарши, Бухоро, Нукус шаҳарларида 10-21 май кунлари "Қозоғистон таълими кунлари" кўргазмасининг ташкил этилгани таълим соҳасидаги алоқалар фаоллашиб бораётганидан дарак.

Мамлакатимизда Қозоғистон йили доирасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қўшни давлатнинг 42 та олий ўқув юрти делегациялари иштирок этди. Кўргазмаларда қўшни давлат университет ва институтларидаги кундузги, сиртки ва масофавий таълим тизими ҳақида тақдиротлар ташкил этилди.

Шунингдек, бугунги кунда малакали кадрлар тайёрлашдаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида олий таълим тизимида тажриба алмашишлар амалга ошириб келинмоқда. Тошкент фармацевтика ва Тошкент темир йўл муҳандислари институти каби қатор олий таълим муассасаларида Қозоғистоннинг етакчи университетлари профессор-ўқитувчилари иштирокида ўқув семинарлар ташкил этилгани шулар жумласидан.

Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг кенг нишонланаётгани мамлакатларимизнинг стратегик шериклик муносабатларини янада тараққий эттириш, янги ташаббусларни илгари суриш, халқларимиз бирдамлигини мустаҳкамлаш, минтақавий барқарорликни таъминлашдек муштарак мақсадларга эришишга қаратилган муҳим воқеалиқдир.

Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎЗА мухбири

ТАШАББУСНИ ҚИШЛОҚДАН ИЗЛАНГ



Фермернинг қандолатпазлик цехи

Тайлоқ туманида аграр соҳани ривожлантиришда, боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликда интенсив технологияларни қўллаб юқори ҳосил ва даромад олишда ёш фермерлар ташаббускор бўлишмоқда. Тумanning "Сочак" қишлоғида жойлашган "Чарошой Шохруҳбеғим" фермер хўжалиги раиси Жаҳонгир Бердиев ана шундай изланувчан ёшлардан.



Жаҳонгир уста боғбонлар маслаҳатига амал қилиб, 4,5 гектар майдонда интенсив боғ ташкил этди. Серхосил ва тезпишар ток, олма, гилос кўчатларини саралаб экди. Кўчатлар агротехника қондалари асосида парваришланаётгани туфайли боғ ва тоқзорлар мўл ҳосилдан нишона бермоқда. Тадбиркор йигит дала-деҳқончилик юмушлари билан қиёяланмай, ўз фермер хўжалиги ҳудудида қандолатпазлик цехи ҳам очди. Бу ерда айни пайтда 8 киши доимий иш билан банд. Савдо тармоқларига ҳар кун 500-600 килограмм 15 турдаги сифатли маҳсулот етказиб берилмоқда. Шу биргина қўшимча қорхона ҳисобига фермер ойига 30-40 миллион сўм даромад топмоқда. Жаҳонгир Бердиев дастлабки ютуқлардан руҳланиб, шу йилнинг ўзидаёқ асарлиқчилик, балиқчиликни йўлга қўйиш орқали фермер хўжалигининг молиявий имкониятларини янада кенгайтириш ниятида.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Adolat" мухбири

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Тараққиёт стратегияси марказида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан «Давлат илмий-техника дастурлари доирасида илмий лойиҳаларни танлаш, саралаб олиш, мониторинг қилиш ва ҳисобини юритишнинг яхлит тизимини жорий этиш» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Мақсад — натижа

Тадбир доирасида давлат илмий техника дастурлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар танлови ғолиблари тақдирланди. Жумладан, олимлар гуруҳи томонидан тақдим этилган «Пахта майдони агрофонини шакллантириш ва кластер асосида пахта хомашёсини машина орқали бир теримда йиғиб олиш учун техник воситаларнинг таянч тўпламини ишлаб чиқиш» лойиҳаси учун 3 миллиард сўм миқдоридagi грант ажратилгани маълум қилинди.

«Бунда 12 та институт ҳамкорликда фаолият олиб боради. Энди майда лойиҳалар эмас, балки ҳақиқатан тижоратлаштириш имкони бўлган лойиҳаларни молиялаштиришимиз. Асосийси, илмий лойиҳаларнинг сифатини кўпайтириш, инновацион экотизимни ривожлантиришдан иборатдир. Энди уларнинг фақат олий маошлари учунгина эмас, балки ўз ишланмаларини тақдим этиш учун халқаро анжуманларда ҳам иштирок этишга маблағи бўлади. Бугунги кунда 172 та мавзунинг эълон қилдиқ. Биз сўрайдиган нарсаси — натижа! Агар олим аниқ натижа бермаса, жавобгарлик бор! У маблағ-



ни қайтариши керак», — деди Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдураҳмонов.

Вазирнинг айтишича, лойиҳа олиш учун ҳатто сунъий рақобат яратишга уринишлар ҳам бўлган. Бу ҳолатлар аниқланиши билан уларга рад жавоби берилган.

Анжуманда берилган маълумотга қараганда, ҳозирги кунда битта лойиҳанинг ўртача қиймати йиллик 505,0 миллион сўмдан юқори бўлиб, 1 июнь ҳолатига кўра битта лойиҳани молиялаштириш хажмининг ўртача қиймати аввалги йилларга нисбатан 3,3 мартабага ошган.

Сорвиноз ЖУМАЕВА

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Қутуриш — ўткир кечадиган хавfli касаллик бўлиб, унда, аввало, марказий асаб тизими оғир шикастланади. Бетоблик жараёнида эса фалажлик кузатилиб, охири ўлим билан тугайди.

Қутуриш касаллигига асосан одамлар, барча сут эмизувчи иссиқ қонли ҳайвонлар чалинади. Ит ва итсимонлар оиласига кирувчи бўри, тулки, чиябўрилар қутуриш вирусининг асосий тарқатувчиси ҳисобланади. Шу билан бирга сигир, от, қўй, эчки, чўчқа, мушук ва кемирувчилар ҳам бу касалликни юқтиришлари мумкин. Хасталик қутурган ҳайвон тишлаганда, шунингдек, унинг сўлаги очик ярага, терининг тирналган, кесилган, шилинган жойларига, қўз, бурун шиллик пардаларига тушганда, қутурган ҳайвоннинг терисини шилганда, сўлаги теккан жисмларга суйкалганда ҳам юқиши кузатилади. Вирус асаб тоналари орқали бош ва орқа миёга боради. Касалликнинг кечиси, узун ва қисқалиги жароҳат олган жойнинг қаерда жойлашганлигига ва жароҳатнинг оғир ёки енгиллигига боғлиқ. Ҳайвонлар орқали жароҳат етказилган жой марка-



зий асаб тизимига қанчалик яқин жойлашган бўлса, касалликнинг яширин даври шунчалик қисқа ва жароҳат олган фуқаро учун хавfli бўлади. Бемор одатда юрак ва нафас олиш мускулларининг фалажланиши натижасида ҳалок бўлади.

Зангиота туман Давлат санитария эпидемиология назорати маркази томонидан қутуриш касаллигининг олдини олиш учун жорий йилнинг 5 ойи давомида аҳоли ўртасида 1000 дан ортиқ давра суҳбатлари ўтказилди ва маърузалар ўқилди ҳамда "Қутуриш — хавfli касаллик!" мавзусида 5000 дон тарқатма ма-

териаллар тарқатилди, қутуришга қарши 510 доза жами 31770720 сўмлик вакцина харид қилиниб, аҳоли эмланди. Шу сабабли жорий йилда 114 нафар фуқаро ҳайвонлар орқали жароҳатланган бўлишига қарамастан биронта ҳам қутуриш касаллиги қайд этилмади. Олиб борилган

тарғибот ишлари самараси ўлароқ ҳайвонлардан жароҳатланиш 2018 йилнинг 5 ойига нисбатан бу йил 25 нафарга камайган.

Қутуриш касаллигига қарши курашиш фақат тиббиёт ходимларининг иши бўлибгина қолмай, бунда жамоатчилик яқиндан ёрдам бериши зарур. Жумладан, фуқаролар томонидан боқилаётган итлар боғлаб қўйилиши, вақти-вақти билан ветеринария кўригидан ўтказилиб турилиши ва қутуришга қарши эмланиши шарт. Уларни кўчаларга эътиборсизлик билан қўйиб юбориш қатъиян тақиқланади. Касалликни асосан дайди итлар тарқатади, шунинг учун ҳукумат қарорлари асосида бу итларни тутиш, кўпайиб кетишига йўл қўймаслик лозим.

Жаҳонгир ЗАБУРОВ,
Зангиота туман ДСЭНМ бош врач,
Эркин АБДУЛЛАЕВ,
бўлим муддир

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: **Ислом ҲАМРОЕВ**

Таҳрир хайъати:

Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Ганҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамом РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шўҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-34 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144); Аxbорот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (144); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реklама бўлими — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15

Набатчи муҳаррир — Камол Матқубов
Набатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қозоғ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бухорига Г — 600.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани «Шарқ» тўғрисида кўчаси, 23-уй.
Адади — 3278
Босишга тошириш вақти — 23.49
Босишга тошириш вақти — 1.33
Баҳоли келишиги нархда
Таҳририятга келган қўғмазлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реklама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР

КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2011-5517



4 72043 50010 1

1 2 4 5 6